

МАКТАВ VA HAYOT

«ШКОЛА И ЖИЗНЬ» НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

*Ilmiy-metodik jurnali***УШБУ СОНДА**

- 2 **Ғ.Б.ШОУМАРОВ** - Ўзбекистон Республикасида ўқувчиларни касб-хунарغا йўналтириш муаммолари ва истиқболлари
- 4 **Р.АХЛИДИНОВ** - Узлуксиз таълим тизимида касб-хунарغا йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш омиллари
- 7 **С.Т.ТУРҒУНОВ, Л.А.МАҚСУДОВА** - Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар
- 8 **Ю.АСАДОВ** - Ўқитувчи профессионализи ва унинг таркибий мазмуни
- 10 **А.ЗАКИРОВ** - Касб-хунарغا йўналтиришнинг илмий-метodik ва дастурий таъминоти
- 13 **С.АЛИМХОДЖАЕВА, Ф.ҲАЙДАРОВ** - Касб-хунарغا йўналтиришнинг ижтимоий-психологик зарурияти
- 15 **Ғ.АСАТОВА** - Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарغا йўналтириш ишлари самарадорлигини оширишнинг баъзи омиллари
- 18 **Ҳ.М.ИСРОИЛОВА** - Бозор иқтисодиёти шароитида сабзовот ишлаб чиқарилиши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили
- 20 **К.АЗИЗОВ, Ж.РАХИМОВ, Н.ЭРГАШЕВА** - Фарзандларни касб-хунарغا тўғри йўналтириш ота-онанинг асосий бурчидир
- 21 **А.И.РАСУЛОВ** - Шахсни ўрганиш тестлари ва уларга қўйиладиган психодиагностик талаблар
- 23 **Ҳ.АБДУКАРИМОВ, С.ШАРАПОВА** - Оила - ижтимоий ҳаётнинг асоси
- 25 **Н.ҚОСИМОВА** - Кар болалар ўйин фаолиятининг ижобий самараси
- 27 **Р.ДЖУРАЕВ** - Стандартные и нестандартные уроки
- 28 **Ш.Т.ЭРГАШЕВ, В.Г.КОРОТИНА** - Профориентационные возможности общеобразовательных предметов в 4-ом классе начальной школы
- 30 **С.С.ДЖАНАЛИЕВА** - Родительское отношение к ребёнку
- 33 2008 йил "Maktab va hayot" журналида нашр этилган мақолалар кўрсаткичи

ИЛОВА:

1. "Ўқувчиларни узлуксиз касб-хунарغا йўналтиришнинг истиқболлари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг якуни тўғрисида буйруқ
2. VI синфда меҳнат таълими дарсларида зардўзлик ишларини ўрганиш. Устубий тавсиялар

Муассис:**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ****ТАҲРИРИЯТ**

Бош муҳаррир Р.Ҳ.Жўраев

**Бош муҳаррир
ўринбосари** А.Ш.Закиров

Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Муслимов,
Ҳ.Рашидов, Ў.Толипов, Ш.Эргашев,
К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусахҳиҳлар Г.У.Рашидова,
Е.А.Исаханова

**Компьютерда териш
ва дизайн** И.Рахимжанова,
М.Холиқов

Журнал
2001 йилдан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Қушбеги мавзеси
16А уй, «МАКТАВ va HAYOT» журнали
Тел: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар дам таҳририят фикрига тўғри келмайдими. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайдими ва тақриб қилинмайдими.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

**Журналдан кўчириб босилганда
"Maktab va hayot"дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.**

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ғ.Б.ШОУМАРОВ – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири,
психология фанлари доктори, профессор

Касб-ҳунарга йўналтириш инсонга унинг шахс хусусиятларини инobatга олган ҳолда бериладиган ёрдам, унинг бир томондан жамият учун керакли бўлиши, иккинчи томондан ўзининг шахсий ҳаракатларига эришиши, ҳаётий шароитларининг ўзгариши давомида таълим ва меҳнат соҳаларини мустақил ва онгли танлай олиши учун имконият яратишдир.

Ўқув-тарбия жараёнининг таркибий қисми сифатида касб-ҳунарга йўналтириш умумтаълим фанлари ва меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни турли меҳнат фаолиятлари билан таништириш орқали, уларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, қобилиятлари ва индивидуал хусусиятларини ривожлантиришни кўзда тутаяди ҳамда жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференцияларни ҳар йил ўтказилиши анъанага айланган. Чунки, бир томондан, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш муаммоси таълим тизими олдида турган энг долзарб муаммо бўлган ва ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотган эмас. Иккинчидан, касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлиги бизни қониқтирмаган ҳолда ечимини кутаётган муаммолар, изланишлар ва янгича ёндашувларни тақозо этади.

Шу соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда, бугун ва эртага амалга оширишимиз керак бўлган амалий фаолиятимиз йўналишларини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Халқ таълими тизимида касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлиги нима билан ўлчанади? Албатта, умумий кўрсаткич мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўз вақтида, рационал тарзда, муаммоларсиз тўлиқ жалб қилиш ҳисоблансада, асосий мезон - мактаб битирувчиси касб-ҳунарни қай даражада мустақил, асосли, онгли танлаганлигидир. Шундагина унда ижобий мотивация шаклланиб, танлаган касб-ҳунарини қизиқиш ва ички интилиш билан эгаллашга ҳаракат қилади. Бунга асосланган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил қилиш билан, мамлакат иқтисодий тармоқларига ҳар йили ўз касбининг устаси бўлган мутахассислар етказиб берилишига эришилади. Шу нуқтаи назардан, шубҳа

йўқки, мактаб ўқувчиси касб-ҳунар танлаш билан яқин келажак, керак бўлса бир умрга ўз ҳаёт тарзи даражаси, мазмуни ва ижтимоий мавқеини белгилайди. Бундан кўринадики, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш муаммоси нафақат жамият, балки ҳар бир шахс учун ўта долзарб ва ҳаётий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мактабдаги ўқув-тарбия жараёнининг ўзи ўқувчиларни онгли касб-ҳунар танлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Бугунги кун мактабида таълим модели “Шахсни ривожлантиришга қаратилган тизим” сифатида ҳар бир ўқувчини ҳам ақлан, ҳам маънан ривожланиши, ўзлигини намоён қилиши, дунё ва миллий маданият ва санъатининг ноёб намуналари билан таништириш орқали юксак маданий салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Шундагина, ёшларимиз қайси касб-ҳунарни эгаллашидан қатъий назар ҳар тарафлама ривожланган, баркамол шахс сифатида мустақил ҳаётга қадам қўяди.

Демак, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ўқувчига фақат у ёки бу касб-ҳунар тўғрисидаги маълумотларни бериш, уни касб-ҳунарга қизиқтириш билан чегараланмасдан, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш жараёнидир.

Бутун дунёда “ноёб” деб эътироф этилган Ўзбекистоннинг “Кадрлар тайёрлаш миллий модели” мамлакат таълим тизимини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгилаш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури доирасида мамлакатимизда амалга оширилган мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари Халқ таълими тизимини ҳам модернизациялашга асос бўлди. Айниқса, ўқув-тарбия жараёнининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, узлуксиз таълим тизими мазмунини такомиллаштириш юзасидан давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва уларга мос дарсликларнинг янги авлоди яратилди, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, уларга методик хизмат кўрсатиш ва малакасини узлуксиз ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун ҳам барча шароитлар яратиб берилди.

Мамлакатда жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бугунги кунда таълим мазмунини янада такомиллаштириш билан унинг самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришни тақозо этмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, мактабдаги ўқув – тарбия жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланган касб-ҳунарга йўналтириш ишларига ҳам инновацион

тус бериш, унинг самарадорлигини ошириш учун илмий асосланган замонавий педагогик-психологик, ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий-услубий таъминот ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш, жараёнга жамоатчилик ҳамда ота-оналарни фаол жалб этиш зарурати мавжуд.

Шу билан бирга ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар алоҳида эътиборни талаб этади:

1. Мамлакат Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Бу йўналишда бошлаган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш тизими шакллантирилди. Яъни бошқача қилиб айтганда мамлакатимизда совет давридан қолган ўрта таълим олиш жараёнидан умумтаълим босқичи, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишларини якунига етказдик”** деб таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, республикада узлуксиз таълим тизими муассасалари (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари)да узлуксиз касб-ҳунарга йўналтиришнинг ягона Концепциясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Бу Концепция республикамиздаги ва ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибаларни ўзлаштирган ҳолда ишлаб чиқилиши, унда ўқувчи касбий ахборотларни фаол ўзлаштирувчи ва ўзининг қизиқишлари, лаёқати ва қобилиятига мос равишда мустақил касб-ҳунар танловчи реал субъект сифатида қаралиши керак. Шунда ўқувчи касб-ҳунарга йўналтириш ишлари, касб-ҳунарга йўналтирувчилар, ота-оналар, таниш-билишлар ва оммавий ахборот воситалари таъсири остига тушиб қолган объект бўлиб қолмайди.

2. Турли мутахассисликларга бўлган эҳтиёж ва ижтимоий буюртмани инобатга олиб, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг аниқ вазифаларини белгилаш, таълим муассасалари ва бандлик хизмати идоралари, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ҳамкорликда ташкил этишни кўзда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқиш.

“Мактаб - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси – ишлаб чиқариш корхонаси” тизимида уч томонлама ҳамкорлик мазкур дастурда ўз аксини топиши лозим.

Бундай ёндашув ўқувчиларни касб-ҳунарга узлуксиз йўналтиришнинг мазмуни, шакл ва усулларининг таълим босқичлари - мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежида ўзаро мос келишини таъминлаш имконини беради.

3. Комплекс дастурларнинг ишлаб чиқилишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ, мактаб битирувчиларини қабул қилувчи академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари манфаатдор.

Шунинг учун ҳам, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- қабул жараёнида тест, имтиҳон ва турли синовлар эмас, балки ўқувчиларнинг саломатлиги, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини ташхис қилиш асосида касбий танлов ўтказиш;

- таълим олувчиларнинг гуруҳларда янги шароитда ўқишга касбий ва ижтимоий-психологик мослашуви, касбий қизиқишлари, касб-ҳунарни эгаллаш мотивларини ривожлантириш, коррекциялаш ишларини амалга ошириш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг келгуси касбий ривожланишида (олий ўқув юртига кириш ёки касбий фаолият орқали ўзини намоён эта олиш, касбий карьерада истиқболга эга бўлиш ва ҳ.к) аҳамиятга эга бўлган сифат ва мотивларни шакллантириш ва ҳ.к.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари амалиётчи психологларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш, амалиётчи психологлар лавозимини мактаб директори ўринбосари лавозимига тенглаштириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва амалиётга татбиқ қилиш.

5. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхисга доир дастурлар (жумладан мультимедиа ўқув ресурслари), дидактик, услубий, ахборот материаллари ва психологик методикаларни апробациядан ҳамда касб-ҳунарга йўналтиришнинг инновацион технологияларини тажриба-синовдан ўтказиш мақсадида тажриба-таянч мактаблари (мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам) тармоғини ташкил этиш.

6. 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг ривожланиши ва жойларда мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш бўйича махсус Дастурни ишлаб чиқиб, амалга ошириш.

7. Узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган мактабдан ташқари таълим жараёнининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги ўрни ва вазифаларини аниқ белгилаб бериш.

Бундан ташқари, касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими фаолиятига бевосита таъсир қилувчи қуйидаги омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим:

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида қўлланиладиган ишончлилиги, валиддилиги талабларга жавоб берадиган стандартлаштирилган методикаларни ишлаб чиқиш;

шу йўналишдаги мавжуд касбий ташхис методикаларини маҳаллий шароитга мослаштириш;

илмий асосланмаган, маҳаллий муҳитга мослаштирилмаган психодиагностик методикаларни умумтаълим мактабларида қўллашга чек қўйиш;

ота-оналар, аҳоли ўртасида психологик-педагогик билимларни оммавийлаштиришнинг инновацион ва самарадор услубларини ишлаб чиқиш;

касб-хунарга йўналтиришга доир илмий-оммабop адабиётлар, аудио, видео, мультимедиа материалларни яратиш, кўпайтириш ва тарқатиш.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш

мумкинки, биргина мақола доирасида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг барча долзарб муаммоларини қамраб олиш ва ёритиб бериш имконияти мавжуд эмас.

Илмий-амалий конференция ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг долзарб муаммоларини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш баробарида, уларнинг илмий, амалий ечимларини нисбатан кенгрок доирада ишлаб чиқиш имконини беради.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

**Р.АҲЛИДИНОВ - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг
биринчи ўринбосари, пед.фан.док., проф.**



арзанд-баркамол авлод орзуси, комил инсон тарбияси ҳамма жамиятларда ва ҳамма замонларда ҳам долзарб масала бўлиб келган. Дунёда биронта ота-она йўқки, зурриётнинг жамиятда ўз ўрнига, мустақкам мавқега эга бўлишини истамаган ва шу фарзанд орқали бошини баланд кўтариб, гурурланиб юришни орзу қилмаган бўлса. Шарқда бунга қадимдан алоҳида эътибор берилиб, ўзига хос аҳамият касб этиб келган.

Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислom Каримов раҳбарлигида таълим ва тарбия соҳасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ёшлар ва уларнинг таълим ва тарбияси масаласи ҳукуватимиз сиёсатининг доимий кун тартибидадир. Мамлакатимизда юртбошимиз ташаббуслари билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, қатор ҳукуват қарорлари асосида амалга оширилаётган соҳадаги ислохотлар натижасида, дунёда “Ўзбек модели” деб эътироф этилган, тарбия ҳамда таълимни узвий ва изчил қўшиб олиб боришга қаратилган мутлақо янги тизим яратилди. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», «Ёшлар йили» Давлат дастури, шунингдек, «Таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш дастури» замирида ҳам таълим самарадорлигини ошириш ва мазмунан такомиллаштириш мақсади ётганлиги юқоридаги фикрнинг тасдиғидир.

Шунингдек, умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, уларнинг касб-хунарни онгли равишда ва тўғри танлашига кўмаклашиш масаласи таълим соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунарга таълимга изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 473-сонли, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2006 йил 27 июльдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунарга коллежларида ўқитишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-427-сонли ҳамда Президентимизнинг 2007 йил 1 майдаги «Тошкент шаҳрида ўн икки йиллик таълимга тўлиқ ўтиш ҳамда янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган академик лицей ва касб-хунарга коллежлари биноларини ўз вақтида 2007-2008 ўқув йилига тайёрлашнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги ПҚ-633-сонли қарорлари асосида мазкур йўналишда қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли юртимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар: ишлаб чиқариш соҳасининг жадал ривожланиши, маҳсулотларга нисбатан талаб ва таклиф ўртасидаги барқарорлик, янгидан-янги ишлаб чиқариш соҳалари, шунингдек, мутахассисликларнинг пайдо бўлиши ўз-ўзидан малакали мутахассислар ва уларнинг фаолиятига бўлган эҳтиёж даражасининг ошишига олиб келмоқда.

Узлуксиз таълим тизими олдига қўйилган энг муҳим вазифа – бу умумий фанлар ҳамда касбий билим асосларини пухта ўзлаштирган, ҳар қандай вазиятда фаоллик кўрсата оладиган, рақобатбардош ҳамда доимий равишда ижодий изланишда бўла олувчи, шунингдек, жаҳон таълими ва ишлаб чиқариш соҳалари стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган етук мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилганда, уларнинг таълим тизимида ўқувчиларнинг касбга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор берилишини кўришимиз мумкин. Жумладан, Францияда ўқувчиларни касбга йўналтириш бир қатор босқичларни босиб ўтган: Иш билан таъминлаш, “Тестологик бум”, “Мустақил касб танлаш”. XX асрнинг охирида Францияда бўлғуси клиентларни иш берувчиларга жуда ҳам яхши қилиб кўрсатиш ҳолатлари кучайди. Мазкур йўналиш билан хаттоки махсус бюролар ҳам шуғуллана бошладилар. Бундай ҳолат эса қатор муаммоларни

келтириб чиқарди. Ўқувчиларни касбга йўллаш йўналишида Олмонияда тўпланган тажриба ҳам диққатга молиқдир. Яқинда ушбу мамлакатда бўлиб қайтган бир гуруҳ мутахассисларимиз бунга гувоҳ бўлишди.

Олмония ўн олти Ер (Ўлка) дан иборат федератив давлатдир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Мутахассисларимиз Микленбург-Ворпоммери ўлкасида бўлиб, у ердаги тажрибалар билан танишганларида, касбга йўналтиришда назарий билимлар билан бирга икки ҳафталик амалиёт ҳам мавжудлигига амин бўлишди.

Олмониялик ҳамкасблар маълум қилишларича, умумтаълим мактабининг сўнгги икки йили (9-10-синфлар) да меҳнат, иқтисодиёт ва техникага оид маълумот берадиган фан ўқитилар экан. Фан якунида ўқувчи икки ҳафталик амалиётни ўзи танлаган муассасада ўтаб, албатта кўрган, ўрганган, аниқлаган маълумотлари ва ушбу касбни нима учун танлаганлиги ҳақида ҳисобот ёзар экан.

Мутахассисларнинг фикрича айнан шу тажрибага ижодий ёндошган ҳолда бизда ҳам уни татбиқ этиш мумкин. Шундай амалиётни жорий этиш керакки, ўқувчи камида иккита ёки учта касб бўйича ишлаб чиқаришга бориб, уларнинг ҳар бирида камида беш кун амалиёт ўташи, у ерда ушбу касбларга доир айрим ишларга ёрдам бериши, ишчи-хизматчилар билан мулоқотда бўлиши ва амалиёт якунида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, йўналишлардан бирини танлашига эришишимиз даркор.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, баъзи ҳолларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари маълум касбни эгаллаш учун ўз имкониятларини баҳолай билмайдилар, оқибатда уларда касб эгаллашга ишончсизлик ҳолати юз беради, шунингдек коллежда ўқиш учун қандай тайёргарлик кўриш лозимлиги ҳақида ҳам маълумотга эга бўлмайдилар.

Касб-ҳунарни танлашда ўқувчида юқоридаги сингари ва бошқа қийинчиликларнинг содир бўлиши, уларда ота-онасининг касб танлашга қарашлари ҳамда яқин кишилари таъсирида турли истакларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун касб-ҳунарга йўналтириш ишлари фақатгина амалиётчи психологлар ва касбга йўналтирувчиларнинг фаолияти бўлиб қолмай, педагогика жамоаси, синф раҳбари ва ота-оналар, оила ва жамоатчилик иштирокида кечадиган мунтазам жараён бўлиши лозимдир. Яъни, мактабда фан ўқитувчилари ўрганилаётган мавзунини касблар билан боғлаб ўтишса, мактаб психологи ва раҳбарияти ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини олиб боришсагина ўқувчиларга касб танлашларида кўмак берган бўлишади.

Аҳоли бандлигини рационал ва самарали таъминлашда касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий роли шундан иборатки, ёшлар ва аҳоли томонидан касбнинг онгли ва илмий асосланган танлови уларга меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришишда замин яратади, иқтисодиёт соҳаларидаги касб-ҳунарга бўлган мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурслари оқилона тақсимланади

ҳамда инсонларнинг иш қидириш, таълим ва касбий фаолият турини танлашларидаги зўриқиш ҳолатларининг олдини олишга ёрдам беради.

Ташкил этилаётган таълим мазмунига ижодий ва талабчанлик билан ёндошиш ўсиб келаётган ёшлардаги қатор психологик имкониятлар эшигининг очилишига, ўз интеллектуал салоҳиятларидан самарали фойдалана олишларига, ўзини тўла намоён эта олишига нисбатан ишонч ҳиссининг шаклланишида таъсир этувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Бугунги долзарб масалалардан яна бири ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис ишлари самарадорлигини ошириш ва алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга тўғри ва онгли равишда йўналтириш масалаларини қамраб олган амалий-услубий ёрдам, йўналтирувчи тавсиялар бериш зарурлигидир.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болалардаги хоҳиш, истак, қобилият, иқтидор ва истеъдодни аниқлаш юзасидан ҳозирги давр илмий изланишлари асосида ишлаб чиқилган маслаҳат ва тавсияларнинг асосий қисми ўқитувчилар ҳамда таълим тизими ходимлари учун мўлжалланган. Аслида болалардаги иқтидор ва истеъдодни илк ёшдан, барвақт аниқлашдан ҳаммадан кўра уларнинг ота-оналари манфаатдордирлар.

Демак, ота-оналар учун бола тарбияси, унинг туғма лаёқати ва қобилиятини оилада аниқлаш ва асосийси болага касб-ҳунарни мустақил танлай олиш имконини яратувчи услубий тавсиялар, қўлланмалар ишлаб чиқиш вақти келди. Ушбу тавсия ва қўлланмалар ота-оналарга фарзандларини меҳнатга, касб-ҳунарга йўналтиришларида маслаҳатдош бўлиб, уларда меҳнат тарбияси, янги касблар ва муҳим малакалар тўғрисидаги ахборотларни кенгайтириш, ўз фарзандларини касб-ҳунарга тўғри ва оқилона йўналтиришларида мустақил фойдаланишлари учун ёрдам беради. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш муҳимлигини ҳам уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- Болада туғма қобилият бўлмагани ҳолда замонавий ўқитиш методлари орқали унда қобилият ва истеъдод шакллантирилиши мумкин деган хато тушунчага берилиб кетиш кўп ҳолларда барчага бирдек панд беради.


- Яна бир хато кузатилади: яъни ота ёки онада бўлмаган қобилият (музиқа, математика ёки бадий ижод...) ни боладан ахтариш ёки уни шакллантиришга интилиш. Тўғри, ақлли болага музиқа, рақс, расм чизиш каби умуммаданий кўникмаларни ўргатиш мумкинлиги ва бу фойдадан ҳоли эмаслигига шубҳа йўқ. Лекин йўқни бор қилиш учун болани ҳаддан зиёд зўриқтириш, ўзи истамаган, кучи етмаган топшириқ ва вазифаларни юклаш, унда турли руҳий тушкунликлар, ўз имкониятларини паст баҳолаш (ёки ўзини камситиш) каби ҳолатларга сабаб бўлади. Демак, булардан аввал болада бор бўлган қобилият ҳамда истеъдодни аниқлаш, уни тарбиялаш керак деган хулоса чиқади.

- Боладаги қобилият ва истеъдодни аниқлашга унинг ижодий фаолиятнинг асосий турларига


қизиқишлари, бунда эришаётган муваффақиятларини кунт билан кузатиш, унинг ҳар бир муваффақиятини рағбатлантириб бориш орқалигина эришилади. Бунда ўқитувчи ва тарбиячилар ота-онага кўмақдош бўлишлари лозим.

Ота-оналар билан ишлашнинг зарурлиги ўзини яна шунда намоён қилмоқдаки, касб-ҳунарга йўналтиришнинг асоси - боладаги меҳнат тарбияси оилада шаклланади. Бироқ барча оилаларда ҳам катталарнинг болалардаги ички имконият ва туғма лаёқатларни аниқлаш, болани тинглаш тажрибаси, психологик-педагогик кўникмаларнинг етарли бўлмаслиги, битирувчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини очиқ намоён эта олмасликлари ҳамда ўзлари мустақил касб танлаш имкониятларининг чегараланиб қолишига олиб келмоқда. Тўғри бундай камчиликларни бартараф этиш борасида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Республика миқёсида бир неча бор ота-оналар мажлисларининг ўтказилиши, олиб борилаётган индивидуал суҳбатлар ўз самарасини бермоқда. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, битирувчиларнинг таълимнинг кейинги тури ва йўналишларини танлашларида ота-онанинг хоҳиши, касбнинг нуфузлилиги, танлаган касбидан моддий манфаат кутиш каби мотивлар кўрсаткичи юқориликча қолмоқда. Буни қуйидаги қиёсий жадвал орқали ҳам кузатиш мумкин.

2003 ҳамда 2007 йилларда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги тури ва йўналишларини танлаш мотивлари қиёсий таҳлили



2003 йил



2007 йил

Ўрни келганда болаларнинг ўқув режасида кўзда тутилган меҳнат амалиётини ўташларини мактабда тўғри ташкил этиш, уларни болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари қошидаги тўғарақларга кўпроқ жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Таълим муассасалари раҳбарлари ҳам тизимнинг ушбу тармоғини ривожлантириш, тўғарақлар турларини кўпайтириш ва уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўришлари зарур.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мактабдан ташқари муассасаларни ривожлантиришга қаратилган эътибор албатта ўз натижаларини беради. Айниқса, қизиқишига кўра бундай муассасага қатнаётган болада ўз вақтини тўғри тақсимлаш, фантазияларини рўёбга чиқаришга уриниш, жамоатчилик билан очиқ мулоқотга кириша

олиш каби фазилатлар теранроқ шаклланади. Масалан, Корея мактабларида ўқийётган ўқувчиларнинг деярли барчаси ўз қизиқишига кўра биронта фан тўғарағи ёки бошқа тўғараққа қатнашидан ташқари албатта яна битта спорт клубида ташкил этилган тўғараққа борадилар. Бунинг учун ота-оналар барча имкониятларни яратиб, ўзлари унинг самарадорлигини доимий кузатиб борадилар.

Бизда ҳам бунинг учун катта имкониятлар бор. Зеро қадимдан халқимиз фарзандларининг бирон касбнинг моҳир устаси бўлишлари билан бирга жисмонан бақувват ва соғлом бўлиши, бунинг учун болаларига илк ёшдан оқ сувда сузиш, отда юриш, кураш тушиш, камон отиш каби спорт турларини, шунингдек, ҳарбий ўйинларни машқ қилдиришган.

Айни пайтда бу борадаги ишларни амалга оширишда ўз ечимини кутаётган муайян вазифалар ҳам мавжуд.

- Жумладан, мактабдан ташқари таълим муассасаларига қатнаётган ўқувчиларнинг қизиқиш, қобилият, иқтидор ва мойилликларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш;

- мактабгача ёшдаги болаларни касб-ҳунарга йўналтириш ва уларнинг касбий қизиқишларини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари, уларда

ишлаётган ходимларнинг ўрни ва салоҳиятини ошириш, таъсирини кучайтириш;

- умумий ўрта таълим мактаблари амалиётчи психологлари ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;

- амалиётчи психологлар касбий нуфузини ошириш чораларини белгилаш, психологлар лавозимини мактаб

директорининг ўринбосари лавозимига тенглаштириш бўйича тегишли тадбирларни белгилаш;

- психологлар сифат таркибини таҳлил қилиш, эркак психологлар миқдорини ошириш бўйича узоқ муддатли тадбирлар белгилаш;

- ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида бир томондан давлат, бозор, меҳнат эҳтиёжларини ҳисобга олиш, иккинчи томондан ўқувчи ёшларнинг ҳаётий режалари, эҳтиёжлари, қизиқишларини ҳисобга олиш;

- ижтимоий ҳамкорлик – мактаб, касб-ҳунар таълими муассасаси ва иш берувчилар билан алоқани кучайтириш, таълим тизимини иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга тезкор мослаштиришни ташкил этиш каби долзарб вазифалар ҳал этилмоғи лозим.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА ИННОВАЦИЯЛАР

**С.Т.ТУРҒУНОВ - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати, педагогика фанлари доктори**
Л.А.МАҚСУДОВА - НамДУ тадқиқотчиси

Бугунги кунда, баркамол шахсни шакллантириш масаласи давлат сиёсати доирасига кўтарилган бўлиб, уни амалга ошириш жараёни ҳисобланган педагогик жараён самарадорлигини таъминлаш эса, умумий ўрта таълим муассасаси (УЎТМ) раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, педагогик жараён иштирокчилари ва бошқа мутахассис ходимларнинг (маҳалла-кўй ва ота-оналарнинг фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда) фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш механизмларини яратиш, инновацион фаолиятни ташкил этиш заруриятини белгилайди.

Инновация тушунчаси тадқиқотларда “янгилик киритиш” тушунчаси сифатида кўриб чиқилади, “инновацион жараён” тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Демак, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновация (янгилик киритиш) – мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, инновацион жараён – педагогик жараёнларга ёки педагогик фаолиятга ўзгартиришлар (янгилик) киритиш жараёни деб айтишимиз мумкин.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион жараённи ташкил этиш асосида кўзланган натижаларга эришишда, энг аввало, УЎТМдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсадни аниқлаш, шунингдек, педагогик жараён иштирокчиларининг имконияти ва эҳтиёжларини инобатга олиш зарур.

Педагогик жараённинг сифати ва самарадорлиги субъектларнинг фаолиятига қай даражада боғлиқ бўлса, УЎТМ фаолиятида белгиланган мақсадларга кўра юқори натижаларга эришиш уларнинг инновацион фаолияти ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этиш қобилиятларига шу даражада боғлиқ бўлади.

УЎТМда бугунги кунда ўқитувчи узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши, шунингдек, ўқувчиларда ҳам инноватик гояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Шунинг учун педагогик жараён ташкилотчилари янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, ихтирочилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг тажрибасини тарғибот қилиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларининг натижаларини баҳолаш бўйича, айниқса, мактаб ва педагогик жамоа даражасида

зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш зарур.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион салоҳиятига кўра янгиликлар модернизация, унификация, фаолиятни такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар; олдиндан маълум бўлган методларнинг элементларини янги тизимга бириктириш назарда тутувчи бириккан инновациялар; ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар инновацион жараёнларнинг асоси сифатида белгиланиши мумкин.

Инновацияларнинг хусусиятларига кўра уларни турли хил асослар билан турлича таснифлаш мумкин, яъни бугунги кунда янгилик киритишнинг тугалланган таснифи мавжуд эмас. Шу билан биргаликда бизнинг тадқиқотларимиз доирасида аниқланган маълумотларга кўра, педагогик жараёнларни ташкил этишда ва самарадорлигини таъминлашда энг аввало, янгиликларни педагогик жараёнларнинг қайси бўғинига тегишли эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацияларни педагогик жараённинг таркибий компонентларини ҳаракатланиши ва мақсадга йўналтирилган ижодий, сифатий ўзгаришлар жараёни сифатида белгилаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инновация эскиликни янгилик билан ўзаро ўрин алмашинининг тезкор жараёнини тасвирлайди.

Бизнинг фикримизча, бу жараёнда қуйидаги қатор вазифалар таълим жараёнини такомиллаштириш, янгиликлар киритишни амалга оширишда педагогик инновацияларни самарадорлигининг асосий шартлари ҳисобланади: мактаб жамоаси учун янгилик киритишнинг долзарблиги муаммоларини узил-кесил ҳал қилиш ва педагогик жараён самарадорлигини таъминлашнинг асосий омиллари сифатида белгиланиши; танланган инновацион воситаларни маъруз мактабнинг имкониятларига мос келиши; инновацияларнинг тўла илмий асосланганлиги; инновацион жараёнларнинг аҳамиятлилиги ва тизимлилиги; янгилик яратувчи ва ундан фойдаланувчиларнинг шахсий-профессионал хусусиятларини ҳисобга олиш ва инновацияларнинг аҳамиятини англаш ҳар бир субъектнинг юқори даражадаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини ифодаланиши; инновацион жараёнларда таваккалчиликни минимал даражада бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, таваккалчиликнинг даражасини тушуниш ва уларни асосланганлигининг

зарурияти; таълим мазмунида, педагогик лойиҳаларда ўзгартиришлар ҳамда ривожланиш тамойилларининг ўз ифодасини топиши.

УЎТМда педагогик жараёнларни инновацион ёндашув ташкил этишга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омилларга давлатнинг янги таълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, УЎТМнинг инновацион фаолият йўналишидаги тажрибаларини киритишимиз мумкин. Субъектив омилларга ижтимоий-ҳудудий эҳтиёж, УЎТМнинг таълим-тарбиявий фаолиятининг ривожланиш жараёни, педагогларнинг илмий-методик билим, кўникма ва малакаларини, илмий салоҳиятини ривожланиши.

УЎТМда асосий ўзгаришлар ва инновацион жараёнларни ташкил этиш асосий мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади ва ўз навбатида мазкур мақсадларга эришишда қатор вазифаларни бажарилиши зарур: жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига мос, билимли ва қобилиятли битирувчилар моделини амалга оширишга асосланиш (таълим мазмунини янгилаш); юқори синф ўқувчиларини касбий тайёрлаш жараёнига инновацион ёндашувларни жорий этиш (таълим дастурларини янгилаш); педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш, рақобатни вужудга келтирувчи таълимий муҳитни шакллантириш; таълим стандартларига мос равишда, ҳаракатдаги дастурларга янги ривожлантирувчи айрим ўзгартиришларни киритиш; кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш; ўқув режасининг факультатив ва мактаб ихтиёридаги

соатлар ҳисобига янги фанларни киритиш.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш замонавий педагогик технологияларни излаш ва татбиқ этиш муаммоларини вужудга келтиради ва булар субъект-субъект, ўқувчи ва ўқитувчи муносабатларига асосланади, бу муносабатлар шахснинг қизиқишлари, қобилиятлари ва сифатларини англашга йўналтирилган умумий ривожланиш шартларини белгилувчи асослар ҳисобланади.

Инновацияларни татбиқ этишнинг натижавийлигини текшириш уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини ҳал этишни талаб этади ва бунга қуйидагилар мисол бўлади: педагогик жамоанинг касбий маҳоратининг ўсиши; жамоада ижтимоий-психологик муҳитнинг мустаҳкам ва ижобий хусусиятлари; таълим ва тарбия жараёнини янгилашга жамоанинг тайёргарлиги; жамоанинг илмий ва илмий-методик салоҳиятини оширишга мойиллик; педагоглар ўртасида ахборотлар алмашинуви сифатининг ўсиши; ўқувчиларни таълим тизимининг турли bosқичларида ўқишни давом эттиришлари учун тайёрлаш сифати.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновацион моделларни самарали татбиқ этишнинг бошланғич шартлари сифатида: умумий мақсадларнинг мавжудлиги ва манфаатлар уйғунлашувини; жамоада психологик муҳитнинг ижобийлиги; инновацион фаолиятда ўқитувчиларнинг самарали иштирокини таъминловчи чора-тадбирларни мисол келтириш мумкин.

ЎҚИТУВЧИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ МАЗМУНИ

Ю.АСАДОВ - психология фанлари номзоди

Ўқитувчининг профессионалиزمи эмпирик маънода ўз касбини пухта эгаллаган, ўз билим ва тажрибасини ўқувчилар билан иш олиб боришда тўлиқ амалга татбиқ қила олиши билан баҳоланади.

Педагогик амалиётда ўқитувчининг профессионалиزمи унинг фаолияти ва шахсига қўйилган шартли меъёрий талаблар, яъни ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда юксак натижаларга эришишга қаратилган мақсадларга мослигида деб ҳисобланади.

Демак, эмпирик талқинда, ўқитувчи профессионалиزمи, унинг қўйилган меъёрий талабларни бажариш сифати, ўқув – тарбия жараёнига қўшаётган ҳиссаси ва эришаётган натижасига қараб баҳоланади.

Илмий жиҳатдан ўқитувчининг профессионалиزمи шахсий интилишлар, дунёқараш, ижтимоий муҳит ва шахсий педагогик тажриба таъсирида шаклланувчи ноёб

индивидуал ҳодиса сифатида ўрганилади.

Шу нуқтаи назардан, ўқитувчининг профессионалиزمи – бу ўқувчилар билан мулоқот, ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар жараёнида намоён бўладиган “таълим ва тарбия бериш санъати, педагогик маҳорат ва эркин ижод”дир.

Психологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилганимизда, турли муаллифларнинг мақолаларида профессионализмга берилган жуда кўп эмпирик маълумотлар ва илмий асосланган тавсифларни учратиш мумкин, жумладан, “касб-ҳунар мактаблари уста ўқитувчиси”, “педагог- муҳандис”, “меҳнат таълими ўқитувчиси”, “бошланғич синф ўқитувчиси”, “ўрта мактаб ўқитувчиси” ва ҳ.к. Бироқ, “ўқитувчининг профессионалиزمи” тушунчаси ҳалигача ҳам ўзининг аниқ ва умуммақбул таърифига эга эмас.

Касб-ҳунар мактаблари педагоглари маҳорати муаммоларига оид баъзи мақолаларда

мазкур тушунча икки хил маънода, яъни “фаолият маҳорати” ва педагог ўқитувчининг “шахс маҳорати” маъносида ишлатилади.

Н.В.Кузьминанинг талқинида ўқитувчининг профессионализи бу фаолият субъектига берилган сифат тавсифи бўлиб, унинг касбига оид вазифаларни ҳал этиши учун замонавий имкониятлардан қай даражада фойдаланишига қараб изоҳланади. Бу имкониятлардан фойдаланиш даражаси турли одамларда турлича бўлиб, шунинг учун ҳам у ёки бу касб эгасининг профессионализи юқори, ўрта ва паст даражада бўлиши мумкин. Ўқитувчининг профессионализи ўз фани орқали, таълим-тарбия жараёнига ажратилган вақт ичида ўқувчиларда вазифани самарали бажаришга тайёрликни шакллантириш санъатини қай даражада эгаллаганлиги билан белгиланади.

Педагог ўқитувчи шахсининг педагогик қобилият ва касбий жиҳатдан шаклланиши муаммолари бўйича ўтказилган тадқиқотларда “профессионализм” тушунчаси “шахснинг касб маҳорати” сифатида ўрганилади. Унинг таркибига педагогик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланган муҳим касбий сифатлар ҳамда шахсий касбий салоҳиятни ташкил этган педагогик қобилият, интеллектуал, мотивацион, коммуникатив, эмоционал-иродавий сифатлар комплекси киради (Э.Ф.Зееер, В.Н.Козиев, В.А.Крутецкий, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин).

Педагогик маҳоратни шакллантириш ва мактаб ўқитувчиларнинг психологик-педагогик тайёргарлиги муаммо-ларига бағишланган тадқиқотларда (И.А.Зюзан, М.Г. Давлетшин, Р.З. Гайнутдинов, Ю.Н. Кулюткин, А. Б. Орлов, Г. И. Хозяинов) ҳам ўқитувчи шахси хусусиятлари “шахснинг касб маҳорати”нинг намоёнлиги ва унинг таркибий қисмлари сифатида талқин этилган. Бу тадқиқотларда ўқитувчи профессионализмига аниқ таъриф берилмаган бўлсада, улар профессионализм шаклланиши ва ривожланишининг психологик хусусиятларини шахсий ёндашув ва ўқитувчининг психологик - педагогик тайёргарлиги нуқтаи назаридан очиб беради.

И.А.Зюзан таълимотига кўра педагогик маҳорат ўз касбий фаолиятини юқори савияда ташкил қила олишни таъминловчи шахс хусусиятлари йиғиндисидир. Шундай муҳим хусусиятларга ўқитувчи фаолиятининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, унинг касбий билимлари, педагогик қобилиятлари ва педагогик техника (ўз-ўзини бошқара олиш кўникмалари ва ўзаро ҳамкорлик қила олиш малакаси) киради. Бу педагогик маҳорат тизимидаги ўзини ташқи таъсирларсиз ҳам ривожлантира олиш хусусиятига эга тўртта ўзаро боғлиқ жиҳатлардир.

Ўқитувчи профессионализмининг ривожла-

ниши шахснинг етакчи қобилиятлари ҳисобланган коммуникативлик, креативлик – ижодий, перцептив қобилиятлар ҳамда шахс динамизми (иродавий таъсир ўтказиш қобилияти ва мантиқий ишонтира олиш), эмоционал чидамлик ва келажакка ишонч каби хусусиятларга боғлиқ.

Педагогик маҳоратнинг ижодий томонини ўрганган тадқиқотчилар, ўқитувчининг юқори маҳорат савияси ўз фанини чуқур билишдагина эмас, балки унинг ўқувчини ижодкор шахс қилиб тарбиялай олишида деб таъкидлайдилар. Бунинг учун педагог ўзи энг аввало ўқувчиларни ижод жараёнига жалб эта оладиган ва уларда ижодий фаолликни уйғота оладиган ижодкор шахс бўлиши керак.

Ижодий фаолият психологияси нуқтаи назаридан “ўқитувчининг касб маҳорати” деган тушунча онгни тизимли ташкил этиш, яъни педагогик фаолиятни эгаллаш ва амалга ошириш жараёнида психофизиологик руҳий ва шахсий ўзгаришлар жипслиги деб, эътироф этилади.

Профессионализм шаклланишининг муқаддимаси касбда ўзини аниқ англаш, ўз келажакини тузиш, маънавий “эталон” - намуналарни шакллантиришдан бошланади. Бу жараённинг хотимаси-“суперпрофессионализм” дейилади (энди педагог ўқитувчи бунёдкорга, новаторга айланади).

Ўқитувчи профессионализи даражасини тавсифлаш ижодий фаолият нуқтаи назаридан жуда кўп илмий мақолаларда ўрганилгани кузатилади. Бу мақолалар ўқитувчи маҳорати ва унинг ижодий салоҳияти тушунчаларини илмий асослашга хизмат қилади.

Бизнинг назаримизда, ўқитувчи профессионализмини таснифлашда унинг шахси компонентларини ҳам асос қилиб олиш лозим.

Ўқитувчи шахси компонентлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- *шахснинг педагогик фаолиятга йўналтирилганлиги (педагогик фаолият билан боғлиқ бўлган қизиқишлар, майллар, мотивлар, сабаблар ва эътиқод);*

- *умумий ва махсус қобилиятлари(педагогик, ташкилий, коммуникатив математик, техник ва б.);*

- *касбий ва ўз-ўзини ривожланиш қобилияти;*

- *ривожланган педагогик тафаккур;*

- *фаолият ва мулоқотга эмоционал киришувчанлик;*

- *педагогик артистизм;*

- *педагогик мулоқотнинг индивидуал услуги;*

- *шахснинг ижтимоий муҳим ва касбий зарур сифатлари;*

- *шахснинг ижодий салоҳияти.*

Тадқиқот ишимизда ўқитувчи профессионализи таркибини таснифлаш

тизимли таҳлил қилиш, психологик типлаштириш ва субъект ёндашуви назарияси нуқтаи назаридан амалга оширилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, ўқитувчи профессионализми – бу шахс ва фаолият субъектининг мураккаб ва кўп қиррали интеграл хусусиятлар комплекси бўлиб, унинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

а) ўқитувчи профессионализмини ташкил этувчи яхлит компонентлар;

б) ўқитувчи фаолияти ва шахсига қўйилган меъёрий талаблар билан белгиланган умумий ёки типик хусусиятлар (меъёрий профессионализм)

в) ўқитувчининг субъект сифатида педагогик фаолият ва мулоқотда намоён бўлувчи индивидуал-психологик ва типологик хусусиятлари (ноёб профессионализм -Ю.А.)

“Ноёб профессионализм”нинг асосий таркибий қисмлари сифатида “касбий маҳорат”, педагогик фаолият ва мулоқотнинг индивидуал услуги”, “педагогик ижодкорлик”, “шахсий касбий салоҳият”ни белгилаш мумкин.

Булар “Маҳорат – Услуг – Ижод-Салоҳият” формуласида ўз аксини топган яхлит тизимни ташкил этади ва “Ноёб профессионализм”нинг кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ўқитувчи профессионализмга доир

маълумотлар ва тушунчалар бўйича тизимли ёндашув назарияси нуқтаи назаридан ўтказилган қиёсий таҳлилларимиз профессионализмнинг нафақат мазмун, фаолият ва шахсга тегишли жиҳатлари, балки унинг яхлит (интеграл) компонентларини ҳам белгилаш имконини беради.

Мазкур компонентлар қуйидагилар:

- умумий ва махсус қобилиятлар;

- шахснинг педагогик йўналтирилганлиги;

- касбий - педагогик жиҳатдан

компетентлик;

- шахснинг касбий муҳим сифатлари;

- педагогик фаолият ва мулоқотдаги

индивидуал услубий хусусиятлар;

- “педагогик маҳорат”

- касбий – педагогик тажриба

- касбий – шахсий ва ижодий салоҳият.

Биз ҳар бир компонент ўқитувчи профессионализми шаклланиши ва ривожланишининг индивидуал хусусиятлари билан, яъни ўқитувчининг ўз касбининг устаси бўлиб етишишига бевосита таъсир этади деб, ҳисоблаймиз.

Бу фикрлар ҳозирги замон психологиясида илгари сурилаётган методологик тамойил - субъект ёндашуви ғояларига асосланади ва янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб этади.

КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

А.ЗАКИРОВ - Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис Маркази директори

Узлуксиз таълим тизими ривожланишининг ҳозирги шароитида ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-ҳунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, уларни онгли касб танлашга, келгусидаги касбини ўзи белгилашга тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан саналади. Ушбу вазифаларни ҳал этиш, мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни илмий-методик ва дастурий таъминлаш юзасидан Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик-педагогик Республика ташхис маркази томонидан қуйидаги йўналишларда иш олиб борилмоқда:

- Касб-ҳунарга йўналтиришнинг назарий ва услубий асосларини яратиш;

- Узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш дастури;

- Мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг меъёрий асослари-меъёрий ҳужжатлар, низомларни ишлаб чиқиш;

- Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ва мактаблар учун ахборот, услубий, дастурий материалларни тайёрлаш;

- Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик - педагогик ташхис методикалари (анкеталар, сўровномалар, тестлар) ни тайёрлаш, уларни ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- Турли ёшдаги ўқувчилар учун касб-ҳунарга йўналтирувчи ўқув - кўргазмали воситалар, ривожлантирувчи ўйинларни тайёрлаш;

- Мактабларнинг раҳбарлари, психологлари ва ўқитувчилари учун касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш юзасидан услубий тавсиялар ва қўлланмалар яратиш.

2006-2007 ўқув йилида Республика ташхис маркази томонидан ўқувчиларни узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш Дастури ишлаб чиқилди, Халқ таълими вазирлиги томонидан (2007 йил 5 февралдаги 35-сонли буйруқ) тасдиқланиб, амалиётга киритилди.

Ушбу дастурда касб-ҳунарга йўналтиришнинг аниқ мақсадлари, вазифа ва йўналишлари, мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг қуйидаги босқичлари белгилаб берилган:

Биринчи босқич – “Касблар алифбоси” билан танишиш, эрта касб-хунарга йўналтириш;

Иккинчи босқич – “Ким бўлсам экан?” – бошланғич касб-хунарга йўналтириш;

Учинчи босқич – “Касблар оламига саёҳат” – ривожлантирувчи касбга йўналтириш;

Тўртинчи босқич – “Мен орзу қилган касб” – шахснинг касбий йўналганлигини шакллантириш ва ривожлантириш;

Бешинчи - якуний босқич - касбий мослашиш, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши.

Ушбу дастурнинг бажарилишини илмий-услубий таъминлаш мақсадида қуйидаги услубий ишланмалар яратилиб, жойларга фойдаланиш учун етказилди: 1-2-3-4 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш юзасидан машғулотлар ишланмалари, “Касблар ўйини” методик қўлланмаси, “Касблар алифбоси” кўргазмалари оммабоп ўқув қўлланмаси.

Бу йил Марказ методистлари томонидан юқори синф ўқувчилари билан ташкил этиладиган касбга йўналтириш машғулотларининг касблар классификацияси ва ЎМКХТ муассасалари тайёрлов йўналишлари классификаторини ўз ичига олган аниқ мавзуларининг инновацион дастурини яратиш юзасидан иш олиб борилмоқда.

Ушбу дастурни нашр этиш ва амалиётга жорий этиш 2009 йилга мўлжалланиб, ундан фойдаланган мактабларнинг касб-хунарга йўналтирувчи мутахассислари ўқувчиларни умум эътироф этилган анъанавий касблар типлари: “одам-техника”, “одам-белгилар тизими”, “одам-одам”, “одам-табиат”, “одам-бадий образ”, шунингдек, 9-синф битирувчилари танлаган касб-хунарлар бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги кадрлар тайёрлаш йўналишлари билан таништиришлари мумкин бўлади.

Касб-хунарга йўналтиришнинг илмий-методик ва дастурий таъминоти “Касб-хунарга йўналтириш Концепцияси”нинг ажралмас қисми бўлиб, ҳар бир ўқувчининг касб-хунар ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишлари (академик лицей ёки касб-хунар коллежи)ни танлашда фаол иштирок этишини таъминлашни назарда тутди.

Мактаб касб-хунарга йўналтирувчи мутахассисига ҳозирда ҳар бир ўқувчида мустақил касб танлашга ижобий муносабатни, қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантириш бирмунча қийин кечмоқда. Илмий нуқтаи назардан қараганда шахснинг касб танлаши ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик-педагогик омиллар таъсирига боғлиқдир. Бунда айниқса, Ўзбекистонда тарихан шаклланган фаолият турлари, халқ хунарамандчилиги ва замонавий касб-хунарлар спецификасини белгиловчи миллий анъаналар муҳим роль ўйнайди.

Социологларнинг тадқиқотлари ва биздаги таҳлилий материаллар ўқувчилар ва мактаб битирувчиларининг касб-хунар танлашларида касб-хунарларнинг ҳамда таълим муассасаларининг нуфузлилиги омили катта аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, оиланинг таъсири омили – оиланинг ижтимоий шароити, ота-оналар ва оиладаги бошқа аъзоларнинг маърифий савияси, ота-оналарнинг касбий мавқеи, оиланинг анъаналари ва

моддий таъминоти ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўқувчиларнинг ўзлари турли касб-хунар эгалари (ўқитувчилар, тиббиёт, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси ходимлари, ҳарбийлар, ишбилармонлар, фермерлар ва бошқалар) билан мулоқотлар орқали оладиган касбий ахборотлар ҳам касб-хунар танлашга таъсир кўрсатади. Ўзини фаолияти (телевидение кўрсатувлари, видеофильмларни томоша қилиш, компьютер ва спорт ўйинлари, интернет орқали бўладиган мулоқотлар)да ҳам ўқувчиларда касблар тўғрисида тасаввурлар шаклланади.

Шунинг учун ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг мактаб ва синфда ўтадиган таълимий жараёнларининг эмас, синфдан ва мактабдан ташқари таълим орқали касб-хунарга йўналтиришнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бироқ, бу йўналишда ҳозиргача муфассал ишлар олиб борилмаяпти. Ўқувчиларнинг айниқса, катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг касб-хунарни ўзлари белгилашлари, ушбу йўналиш бўйича уларнинг дунёқарабини шакллантиришда мактабдан ва синфдан ташқари ишларнинг салмоқли ўрин тутиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиб чиқиш, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш юзасидан изланишлар олиб бориш лозим.

Мактабдан ташқари таълимий жараёнларда ўқувчи ва ёшларни касб-хунарга йўналтиришда оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидениенинг ролини алоҳида таъкидлаш ўринли. Тўғри, ҳозирги кунда телевидение орқали турли касб эгалари, миллий хунарамандчилик билан шуғулланувчи усталар фаолиятини ёритиб берувчи “Таълимга эътибор – келажакка эътибор”, “Минг бир хунар”, “Тафаккур чироғи”, “Табаррук замин”, “Ёшлар ва таълим”, “Келажак эгалари”, “Маърифат фидойилари”, “Таълим ва тараққиёт” каби кўрсатувлар бериб борилмоқда, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини, уларга кириб ўқишни тарғиб этувчи реклама роликлари кўрсатилмоқда. Лекин, булар тизимли ёки Республикамининг барча ҳудудларига етиб боровчи кўрсатувлар бўла олаётими? Бу кўрсатувлар мазмунининг қанча фоизини касб-хунарга йўналтириш, ота-оналарга маслаҳатлар ташкил этади?

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Телерадио компанияси билан бу масалада келишиш ва бевосита ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга бағишлаб алоҳида 15-20 минутлик кўрсатув ташкил этиш, уни ҳафтанинг ҳар шанба кунда кундузи соат 13.30 да ва кечқурун соат 20.00 да эфирга узатиш керак. Сабаби, кўрсатувни ўқувчилар мактабдан кетмасдан жамоа бўлиб, мактаб психологи, касб-хунарга йўналтирувчи мутахассиси, синф раҳбари билан, кечқурун эса оила даврасида ота-оналари билан биргаликда кўриб, муҳокама қилиш имконига эга бўладилар. Кўрсатувни амалиётчи психологлар, касб-хунарга йўналтирувчилар, тиббиёт ходимлари, касб-хунар таълими муассасалари ва мактаблар раҳбарлари билан давра суҳбати шаклида олиб бориш, ҳар бир кўрсатувни бирон бир касбга бағишланган бўлиши ва унда албатта шу касб

эгалари, корхоналар раҳбарларининг ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Психологик нуқтаи-назардан ҳозирда болалар ва ёшларнинг эътибори матнли матбуот нашрлари (газета, журналлар, китоб ва қўлланмалар)га нисбатан телеканаллар, видеофильмлар, Интернет тизими орқали олиш мумкин бўлган визуал ахборотларга кўпроқ қаратилганлигини, яъни компьютер ёки видео тизим орқали берилаётган материаллар, хусусан матнли ахборотлар ҳам яхшироқ ўзлаштирилаётганлигини унутмаслик лозим.

Шунинг учун касб-ҳунарга йўналтирилган матнли ахборотларни, шунингдек, турли чизмалар, графиклар, жадвалларни электрон шаклда ўқувчиларга етказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу муаммони эътиборга олган ҳолда Республика ташхис маркази томонидан мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ва мактабдаги компьютер синфларида, шахсий компьютерларда ўқиш мумкин бўлган «**Мен танлаган касб**» номли ўқув қўлланмаси ҳамда касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган бошқа ўқув материалларининг, жумладан «**Касблар олами**» туркум рисоаларнинг матнли ва электрон вариантларини яратишга киришилди.

Бугунги кунда тўртта рисола иш ичига олувчи тиббиёт соҳасидаги ихтисосликлар, бу мутахассисларнинг соҳадаги ўрни ва вазифалари, уларни эгаллаш учун қўйиладиган талаблар ва бу ихтисосликларни эгаллашга монелик қилувчи касалликлар, тиббиёт соҳаси учун мутахассислар тайёрловчи касб-ҳунар коллежлари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи «**Тиббиёт соҳасидаги касблар**» рисола 1-қисмининг электрон варианты яратилди ва жойларга етказиш учун кўпайтирилмоқда.

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини таълим муассасаларида ташкил этишнинг яна бир муҳим йўналиши бу тўғараклар фаолиятidir. Мактабларда ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида қизиқишларга кўра ташкил этилган тўғараклар ўқувчиларнинг техник ва ижодий тафаккури ривожига ҳамда уларда касбий йўналиш шаклланиши, маълум бир касб-ҳунарни танлашига таъсири яхши маълум.

Ўтган ўқув йилида Республикада 587 та мактабдан ташқари таълим муассасалари (ўқувчи сони 563 мингдан зиёд- 10,3%), фаолият олиб борди. Шунингдек мактаблардаги ва бошқа муассасалардаги тўғаракларда жами ўқувчиларнинг 73,8 фоизи қатнашди. Бироқ очигини айтиш керак, бу жараёндаги касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлиги таҳлили билан, уларнинг методик таъминоти билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Ўқувчи нима учун мактабда ёки мактабдан ташқари ташкил этилган тўғаракка қатнашдан кўра дарсдан бўш вақтини «Интернет-клуб» да ўтказишни ёки бошқа юмушлар билан шуғулланишни афзал билмоқда? Демак, тўғаракларни ўқувчиларнинг реал эҳтиёжи ва қизиқишларини ҳисобга олиб ташкил этиш, бунинг учун албатта ўқувчилар ўртасида «Мактабда фаолият олиб бораётган тўғаракларни биласизми?», «Қайси тўғараклар фаолияти ўқувчилар эҳтиёжларини қониқтирмаяпти?», «Мактабдан бошқа

ташкilotларда фаолият кўрсатаётган қандай тўғаракларни биласиз?», «Мактабда қандай тўғарак ташкил этилса, Сиз унга қатнашар эдингиз?» каби саволларни ўз ичига олган саволнома ўтказиш, таълимнинг бу йўналишида илмий изланишлар олиб бориш лозимдир.

Шунингдек, ўқувчиларнинг «Интернет клублар» дан ахборот олиш ва турли компьютер ўйинларига қизиқишини инobatга олиб, бундай клубларни шаҳар мактабларида ва имкони бўлган қишлоқ мактабларида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунинг учун мактабларимиз етарли даражада замонавий компьютер техникаси билан таъминланди ва таъминланмоқда. Шунда ўқувчиларнинг бўш вақти мақсадли ишларга йўналтирилади, улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топадилар ҳамда назорат қилинадиган ахборотни олиш имконига эга бўладилар. Бу долзарб масала хусусида бир неча йилдан буён иш олиб борилаётганига қарамай, ҳозирча кўзланган мақсадларга тўлиқ эришилмади.

Истиқболли йўналишлардан яна бири – бу ўқувчиларни мактабдаги фанларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнида касб-ҳунарга йўналтиришдир. Ўқитувчилар касб-ҳунарга йўналтирувчи вазифасини бажариб, ўз фанининг у ёки бу касб-ҳунарни эгаллаш, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларининг тайёрлов йўналишлари бўйича ўқишни давом эттиришдаги аҳамиятини уқтириб боришлари керак. Бу йўналишдаги ишларни самарали амалга ошириш учун ҳар бир фан ўқитувчисига малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш курслари орқали касб-ҳунарга йўналтиришнинг назарий ва методик асосларини, замонавий технологияларини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни назарда тутиб, Республика ташхис маркази томонидан 2009 йилда малака ошириш курслари тингловчилари учун «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари» номли услубий қўлланма, шунингдек мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган «Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга касбий маълумотлар ва касбий маслаҳатлар бериш» номли услубий тавсиянома тайёрлаб бериш режага киритилди.

Ҳозирги кунда 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтиш муносабати билан умумтаълим муассасаларидаги ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги касб-ҳунарга йўналтириш ишларини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этиб, бу йўналиш таълимнинг ҳар икки bosқичида олиб бориладиган ишларнинг мақсад ва вазифаларини мазмунан қайта кўриб чиқишни ҳамда янги ва ягона бир дастур асосида, тизимли ишлашни тақозо этади.

Бу масаланинг кун тартибига қўйилаётганлиги, илмий нуқтаи-назардан чуқурроқ ёндошиладиган бўлса, 10-11-синфлар ёшидаги ўқувчилар билан мактабда - маълум бир шароитда ташкил этилаётган таълимий, тарбиявий ва касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг қонуний равишда умумий ўрта таълим тизимидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига ўтишидир. Демак, мактабнинг мазкур функциясини бажариш академик лицей ва касб -

хунар коллежлари зиммасига ўтар экан, бу тарбиявий ва касбга йўналтириш ишлари мазмунини қайта кўриб чиқишни ҳамда куйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг онгли равишда таълимнинг кейинги турлари - академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўтиши;

Ўқувчиларнинг таълимнинг янги шароитлари, шакл ҳамда усулларига ижтимоий-психологик ва бошланғич касбий мослашиши;

Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларга интенсив, чуқурлаштирилган, дифференциал таълим берилиши (академик лицейларда);

Ўқувчиларнинг касб-хунарга иштиёқини, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, танлаган касб-хунарлари бўйича бир ёки бир неча ихтисосликларни эгаллашларини таъминлаш (касб-хунар коллежларида);

Касб-хунарга йўналтиришнинг мувофиқлигини таъминлаш муҳим психологик аҳамиятга эга бўлиб, ёш физиологияси ва психологияси нуқтаи-назардан ўрганиб чиқишни талаб этади. Мактабга 6-7 ёшдан келган болалар, уни 15-16 ёшда битирадилар. Илмий нуқтаи-назардан бу ёшдаги болалар ҳали физиологик, ақлий, ижтимоий жиҳатдан тўлиқ етилмаган, шунингдек, бу сифатларнинг ривожланиши уларнинг ҳаммасида бир хил ва бир вақтда шаклланиши билан характерланади. Яъни уларнинг айримларида физиологик, психик, интеллектуал жараёнлар, шахсий ва ижтимоий аҳамиятли сифатлар тезкор ривожланади, айримларида эса бу сифатлар аста-секин шаклланади. Шундай экан, уларнинг барчаси бирдек мактабдагидан мутлақо фарқланувчи ташкилий - педагогик шароитда ўқишни давом

этиришга тайёрми?

Бизнинг фикримизча лицей ва коллежлар раҳбарлари, ўқитувчилари ўқувчиларнинг ёш, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларига етарли эътибор бермаяптилар. Шу билан боғлиқ ҳолда мактаб ўқувчиларидан фарқли ўлароқ лицей ва коллежлар ўқувчиларида педагогик назорат ва тарбиявий таъсир доирасини камайитирувчи вақт ва ҳаракат эркинлиги юзага келмоқда. Бунга яна бу муассасаларда ўқувчилар кундалик дафтарининг юритилмаслиги, тўғараклар фаолиятининг етарли йўлга қўйилмаганлиги, ўқувчиларнинг турли масофа ва шароитлардан ўқишга қатнаши кабилар ҳам омил бўлмоқда.

Буларнинг барчаси академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги тарбиявий, тушунтириш ва касб-хунарга йўналтириш ишлари сифатини яхшилашни ҳам тақозо этади.

Республика Ташхис маркази ва ўрта махсус касб-хунар таълими маркази мутахассислари буларни ҳам эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, ҳамкорликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш учун дастурий материалларни, методик қўлланмаларни ишлаб чиқишлари керак ва яратилаётган материалларнинг тажриба-синовини ташкил этиш учун пилот муассасалар – мактаб-академик лицей, касб-хунар коллежларини белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Children came to school in 6-7 age are leave it in 15-16 and will not be completely physiologically, mentally and socially developed.

КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЗАРУРИЯТИ

С.АЛИМХОДЖАЕВА - Республика ташхис Маркази бўлим бошлиғи
Ф.ҲАЙДАРОВ - Республика ташхис Маркази психолоғи

Республикамиз аҳолисининг аксарияти қишлоқ хўжалик соҳаси билан шуғулланаётганлиги туфайли унинг тармоқларига оид мутахассисларни тайёрлаш учун касбнинг психологик хусусиятлари, меҳнат кўникмалари ва малакалари билан бўлғуси ихтисос эгаларини қуроллантириш муҳим ижтимоий вазифалардан биридир. Бўлғуси мутахассисни касбий тайёрлаш, касб-хунар олдига қўйиладиган талабларга мутаносиб инсонлар қилиб шакллантириш давлат аҳамиятига молик муаммо ҳисобланади.

Касб-хунарга йўналтиришда ўқувчи-ёшларнинг касбни эркин ва мустақил танлашининг илмий ва амалий тизими сифатида қараш керак. Бунда ҳар бир шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ҳамда халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларини тўлақонли таъминлашнинг зарурлигини ҳисобга олиш керак.

Касбни мустақил танлаш шахс ривожланиши жараёнидир. Шундай экан унинг ички моҳияти барча меҳнат турлари тўғрисида билимлар тизимини шакллантириш касб-хунарга йўналтириш, амалий лаёқат ва кўникмаларини йўналтириш ижтимоий аҳамиятли фаолиятни удалай билишни тарбиялаш ва мазкур фаолиятга кўникма ҳосил қилишини қамраб олади. Касб танлашга бундай ёндошув ёшлардан умумий иш учун фаол меҳнат қилиши қобилияти ва интилишларини тарбиялашни талаб қилади. Мактаб ўқувчиларини касб танлашга йўналтириш жараёнида уларни касбий билим билан қуроллантириш ижтимоий унумли меҳнатга ва ижтимоий фойдали муносабатларга киришиб кетишга ўргатиш муҳимдир. Бу ўз навбатида умумий ўрта таълим тизими учун касб-хунарга йўналтиришнинг шундай шаклларини излаб топишни тақозо этадики, улар ихтисослашиш ишлаб чиқариш элементларини ўз ичига олган бўлиши, ўқувчиларни халқ хўжалиги

тизими тўғрисидаги ҳозирги замон билимлари билан қуроллантирилиши, касб танлашга оид билимлар билан касбнинг ижтимоий иқтисодий, табиий жиҳатлари билан таништирилиши лозим.

Шундай экан узлуксиз касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил қилишнинг оқилона усул ва воситаларини амалиётга татбиқ этиш, ўқувчи – ёшларни келажакда меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали усулларидан фойдаланишга ўргатиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади. Бунда инсон омили ва уни ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда ҳисобга олиш меҳнат самарадорлигини ошириш, касб маҳоратини такомиллаштириш учун негиз бўлиб ҳисобланади ва жамият тараққиёти учун хизмат қилади. Ижтимоий тараққиётни рўёбга чиқариш учун мамлакатда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни жаҳон стандартлари даражасига кўтармоқ лозим, фан ва техниканинг бугунги кун тараққиётига жавоб бериш учун кенг савияли, билимдон, ўз касбининг фидойи кишини камол топтириш орқали давлатимизда бозор иқтисодиётига бардош берадиган рақобатбардош маҳсулотлар яратувчи касб эгаларини тарбиялаш лозим. Токи улар давр талабларига оғишмай жавоб берадиган, қизиқиши кенг, малакаси мустаҳкам, хотираси барқарор, фикр юритиши пухта, изланувчан, меҳнатсевар, ватанпарвар, иймон-этиқодли инсонлар бўлиб вояга етишсин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўрта мактаб ўқувчиларининг ҳаммаси касб танлашга келганда оқилона ва тўғри йўл тутади, деб бўлмайди, албатта. Улардан баъзилари таваккалга иш тутсалар, айримлари ота-она касбини танлайдилар ёки кўзга ташланиб турган яққол намуналарга таклид қиладилар, гоҳо севимли кишилари изидан боришни мўлжаллайдилар.

Шу ўринда эътиборингизни ўтган ўқув йилида республика умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги тури ва йўналишларини танлаш мотивларининг қиёсий таҳлилига қаратмоқчимиз.

Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунаар таълимига изчил ўтишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 473-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунаар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-427-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида ўн икки йиллик таълим тизимига тўлиқ ўтиш ва янгидан қуриладиган ҳамда реконструкция қилинадиган академик лицей ва касб-хунаар коллежларини 2007-2008 ўқув йилига ўз вақтида тайёрлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-633-сонли қарорлари ўқувчиларнинг қизиқиши, лаёқати ва қобилиятларини аниқлаш, уларнинг онгли касб танлашлари учун замин яратиш орқали узлуксиз касб-хунаарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини ошириш каби долзарб

вазифаларни белгилаб беради.

Маълумки, касбий ташхис методикалари ёрдамида ўқувчиларнинг қизиқиш ва мойилликлари аниқланиб, уларга касб-хунаар коллежлари ва академик лицейларининг тегишли таълим йўналишларига тавсияномалар берилади ва ушбу йўналишлар бўйича улар ўрта махсус касб-хунаар таълими муассасаларига қабул қилинадилар. Шу билан бирга битирувчининг нима сабабдан умумий ўрта таълимни тугатгандан кейин қатор мотивлар асосида тавсияномаларда белгилангандан бошқа тайёрлов йўналиши ва таълим муассасасини танлашларини кузатишимиз мумкин.

Ўтган 2006-2007 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Халқ таълими бошқармаларига қарашли умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг таълимнинг кейинги тури ва йўналишларини танлаш мотивларининг қиёсий таҳлили бўйича маълумотларга кўра умумтаълим мактабларини жами 633836 нафар 9-синф ўқувчилари битирган. Шундан, 10-синфда ўқишни давом эттираётган ўқувчилар сони 152480 (24,1%) нафарни, тавсия этилган тайёрлов йўналиши бўйича таълим муассасасида ўқишни давом эттираётган ўқувчилар сони 407125 (64,2%) нафарни, тавсияномада белгилангандан бошқа ўқув муассасасини танлаган ўқувчилар сони 83270 (13,1%) нафарни ташкил этди. Ўқувчиларнинг тавсияномада белгилангандан бошқа ўқув муассасасини танлашлари қатор мотивлар билан изоҳланади. Яъни, ота-онасининг маслаҳати билан бошқа таълим муассасасини танлаган битирувчилар сони 16208 (19,5%) нафарни, танлаган касбидан моддий манфаат кутиб тавсияномада белгилангандан бошқа таълим муассасасини танлаган битирувчилар сони 2063 (2,5%) нафарни, касбнинг нуфузлилиги сабабли тавсияномада белгилангандан бошқа ўқув муассасасини танлаган битирувчилар сони 11550 (13,9%) нафарни, ота-онасининг касбини давом эттириш мотиви асосида бошқа таълим муассасасини танлаган ўқувчилар сони 13649 (16,4%) нафарни, ака-опаларининг касбини давом эттириш мотиви асосида таълимнинг кейинги турини танлаган ўқувчилар сони 1489 (1,8%) нафарни, дўстларига эргашиб бошқа таълим муассасаларига ҳужжат топширган ўқувчилар сони 1507 (1,8%) нафарни, ўқувчининг шу касбга ўзи қизиқиб қолиш мотиви бўйича эса 2312 (2,8%) нафарни, ўзи учун ҳурматли бўлган кишининг касбини эгаллаш мотиви асосида тавсияномада белгилангандан бошқа ўқув муассасини танлаган ўқувчилар сони 2317 (2,8%) нафарни, бошқа сабабларга кўра тавсияномада белгилангандан бошқа ўқув муассасасини танлаган ўқувчилар сони 1434 (1,7%) нафарни ташкил этган. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, битирувчиларнинг аксарият қисми ота-онасининг маслаҳатлари, касбнинг нуфузлилиги ҳамда ота-онасининг касбини давом эттириш мотивлари асосида тавсияномада белгилангандан бошқа таълим муассасасини танлаган.

Келгусида 9-синф битирувчиларининг тавсияномада белгиланган тайёрлов йўналишлари

бўйича таълим олишларига эришиш учун мактаб амалиётчи психологлари, касб-хунарга йўналтирувчилар, ота-оналар ва ўрта махсус касб-хунарга таълими вакиллари ҳамкорлигида ўқувчиларнинг касбий қарор қабул қилиши, онгли равишда касб танлаши, касбий мослашув ҳамда ўз мақсадини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш каби малака ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ва шу каби масалаларнинг ечимини топиш мақсадида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлариданоқ таълим-тарбия жараёнига комплекс ёндошиш, касб-хунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини таъминлаш, эрта ёшдан касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш, болаларда касбий мотивацияни шаклландириш, ижтимоий ҳаётдаги касбий оламга мослашув ва жамоавий ҳамкорлик кўникмаларининг мавжудлиги, маънавий руҳий салоҳият, шунингдек, ақлий салоҳият даражасининг таълим талабларига мутаносиблиги ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари асосида узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури ишлаб чиқилди. Мазкур Дастур тўрт босқичдан иборат бўлиб, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, бошланғич, ўрта ва юқори синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда узлуксиз касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб бориш ҳамда меҳнат кўникма, малакаларини ривожлантиришга мўлжалланган. Ҳозирги кунда ушбу Дастурнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида ўқувчиларга мактабгача таълим ёшидан бошлаб касблар тўғрисида маълумот олишлари учун “Касблар ўйини” методик қўлланмаси ҳамда кўргазмалари “Касблар алифбоси” ўқув қўлланмаси, 1-4-синфлар учун касб-хунарга йўналтириш

ишланмалари, 3-синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш юзасидан машғулотлар ишланмалари ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга татбиқ этилди.

Шунингдек касб-хунарга йўналтиришнинг узлуксизлигини таъминлаш 9-синф битирувчиларининг мактаб амалиётчи психологлари, касб-хунарга йўналтирувчилар, ота-оналар ва ўрта махсус касб-хунарга таълими вакиллари ҳамкорлигида ўқувчиларнинг касбий қарор қабул қилиши, онгли равишда касб танлаши, касбий мослашув ҳамда ўз мақсадини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш каби малака ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Негаки бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш тўғрисидаги ҳужжатларда ўқувчиларни мустақил касб танлашга (ўз имкониятларини ўзи баҳолаш орқали) ўргатиш жуда муҳим ва зарур вазифа эканлиги таъкидланади. Шунга кўра психолог олимлар, методистлар, ташхис Маркази ходимлари кенг жамоатчилик биргаликда касбга доир билимларни кенг ташвиқот қилишлари, касб-кор танлашга оид йўл-йўриқлари ва методлар ишлаб чиқишлари, касб танлаш маслаҳатлари расмий шахобчалари кенгайтирилиши, профессиограмма, профессиография, психограммалар кўлами орттирилиши лозим.

Шундай экан касб танлаш фаолиятини оқилona ташкил этиш учун мамлакатимиз қайси соҳа мутахассисларига муҳтожлигини назарда тутиш ва шунга яраша мактаб ўқувчиларини уларнинг майли, интилиши, қизиқиши, имконияти, ақлий ва жисмоний қобилиятларига қараб, ҳамда у ёки бу касбга яроқлилигини аниқлаб, сўнгра касбга йўллаш керак.

Scientists-psychologists, methodologists and career-guidance center members must enlarge the professional knowledge and skills, provide the occupational choice supporting and giving applicable recommendations.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ БАЪЗИ ОМИЛЛАРИ

Г.АСАТОВА - Республика ташхис Маркази бўлим бошлиғи

Республикаимизда соҳада амалга оширилаётган янгилекларнинг асосий мақсади - бу инсон, унинг баркамол ривожланиши, фаровонлиги, шахс қизиқишларини амалга ошириш шароитлари ва ҳаракатлантирувчи механизмларини ташкил этишдан иборат.

Бу борада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб-хунарга йўналтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир.

Мактабгача, умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари, ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бундай ҳамкорлик ўсиб келаётган ёш авлодга онгли касб танлаш, ўз касбий истиқболини белгилаш ҳамда жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконини яратади.

Касбга йўналтиришнинг асосий мақсади - бу умумтаълим мактабларининг ўқувчи ва битирувчиларини онгли ва мустақил равишда касб-хунарга танлашга тайёрлаш, келгуси таълимнинг йўналишини ва касб-хунарга эгаллашнинг усулларини аниқлаш.

Демак, мактабдаги ҳар бир ходим касб-хунарга

йўналтириш бўйича қандай ишларни амалга оширишини билиши лозим. Чунки, касб-ҳунарга йўналтириш ишларини амалга оширишда нафақат мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчиси ёки амалиётчи психологи, балки бутун мактаб жамоаси масъулдир.

Халқ таълими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2005 йил 26 декабрдаги 315/4984-сонли қўшма буйруқлари билан «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома» тасдиқланди. Мазкур йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-227-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги» 275-сонли қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги» Низом асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у педагог ходимларнинг йиллик иш юкламасини белгилаш ва тақсимотини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Йўриқномада белгиланган «Мактаб директорининг намунавий иш режаси»да йил давомида сарфланиши қатъий белгиланган умумий иш юкламаси **1720** соатни ташкил этади, шундан **277** соати психологик-педагогик таъминот учун ажратилган. **277** соатдан 43 соати психологик-педагогик консилиумларда иштирок этиш; **4** соати ота-оналар учун «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш; **5** соати мактаб ота-оналар кенгашининг мажлисларини режалаштириш ва ташкил этиш; **43** соати ота-оналар билан якка тартибда иш олиб бориш; **43** соати ота-оналарнинг ариза ва мурожаатлари билан ишлаш; **6** соати синфлардаги ота-оналар мажлисларида иштирок этиш ва ота-оналарнинг умуммактаб мажлисларини ўтказиш; **4** соати бюджетдан ташқари маблағларнинг ишлатилиши ҳақида ота-оналар олдида ҳисобот бериш; **43** соати ноқобил ва кам таъминланган оилалар билан ишлаш учун ажратилган.

Хўш, мазкур соатлардан касб-ҳунарга йўналтириш ишларини қандай тақсимлаш мумкин?

Мактаб директори мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш учун қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаши керак:

Касб-ҳунарга йўналтириш ишларини режалаштиради, яъни, мактаб иш режасида, педагогика кенгаши, директор ҳузуридаги ишлаб чиқариш йиғилишларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш масалаларини киритади, мактаб касб-ҳунарга йўналтириш комиссиясининг, мактаб касб-ҳунарга йўналтирувчиси ва амалиётчи психологининг иш режаларини туман ташхис Маркази билан келишилган ҳолда тасдиқлайди, режадаги мавзуларнинг талабга жавоб бериши ва долзарблигига аҳамият беради, маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

ҳамда синф раҳбарларининг иш режасида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг ўз аксини топганлигига эътибор қилади.

Мактабда касб-ҳунарга йўналтириш хонасининг ташкил этилишини, унинг Низом ва тавсияларга асосан жиҳозланишини таъминлайди.

Ҳудудий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик ишларини тўғри ташкил этади.

Фан ўқитувчиларининг дарс жараёнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини таҳлил қилади.

Ҳар бир синф ота-оналар йиғилишларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш масалаларининг киритилишини назорат қилади.

Битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш бўйича юзага келадиган муаммоларни жамоа, маҳалла, ота-оналар билан ҳамкорликда бартараф этади

Синф раҳбарлари, амалиётчи психологлар, касбга йўналтирувчилар, ота-оналар ҳамкорлигини йўлга қўяди.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда синф раҳбарларининг масъулиятини ошириб, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб беради.

Мактаб директоридан бошлаб, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг иш юкламаларидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш ва ота-оналар билан ишлашни тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Халқ таълими вазирлигининг 35-сонли буйруғига асосан умумтаълим мактабларида узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш дастури ижросини таъминлайди.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг намунавий иш режасида умумий иш юкламаси **1720** соатни ташкил этади, шундан **154** соати психологик-педагогик таъминот учун ажратилган. **154** соатдан **43** соати психологик-педагогик консилиумларда иштирок этиш; педагог ва ўқувчилар билан якка тартибда (индивидуал) ишларида иштирок этиш; **6** соати ота-оналар учун «Очиқ эшиклар куни» ни ўтказиш, **60** соати ота-оналар ва ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориш, **45** соати синфлардаги ота-оналар мажлисларида иштирок этиш ва ота-оналарнинг умуммактаб мажлисларида қатнашишини ташкил этиш.

«Мактаб, оила ва маҳалла» Концепциясини татбиқ этиш учун **346** соат ажратилган, шундан **53** соати 9-синф битирувчиларини ўқишнинг кейинги босқичига жалб қилишни таъминлашга ажратилган.

Фан ўқитувчиларининг намунавий йиллик иш режасида умумий йиллик педагогик иш юкламаси **1548** соат қилиб белгиланган, шундан **125** соати ўқувчиларга касб-ҳунарга йўналтириш бўйича дастлабки ишларни олиб бориш, фан ҳафталиклари ва **10** кунликларни ўтказиш, суҳбатлар, учрашувлар, ўқувчиларни қизиқиши бўйича тўғаракларга жалб этиш учун ажратилган.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш учун **125** соатни ажратишдан мақсад фан ўқитувчиларининг ҳар бир ўтаётган дарси жараёнида мавзудан келиб

чиққан ҳолда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириб бориши ҳамда касбий ва фан тўғаракларини ташкил этиши кўзда тутилган.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси учун **1548** соат қилиб белгиланган, шундан **91** соати ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича дастлабки ишларини олиб бориш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги болалар ташкилоти билан ишлаш, суҳбатлар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар, мавзуй экскурсиялар, синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш (якка тартибдаги суҳбатлар), ота-оналар мажлислари, фан ҳафталиклари ва ўн кунликларни ўтказиш учун ажратилган.

Бунда бошланғич синф ўқитувчилари “Узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури”га асосан ўқув йили давомида синф соатлари ҳисобидан 9 соат касб-хунарга йўналтириш машғулотларини ўтказди, чоракда бир маротаба мактабда касб-хунарга йўналтириш дастури бўйича суҳбатлар, йил давомида индивидуал маслаҳатлар бериб боради ҳамда 1-9 синф ўқувчилари учун юритиладиган психологик-педагогик ташхис дафтариининг юритилишини таъминлаб боради.

Мактаб раҳбарлари, фан ўқитувчилари ва бошланғич синф ўқитувчилари умумий ўрта таълим мактабларида касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда ушбу йўриқномага асосан иш юритишлари лозим.

Бундан ташқари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг самарадорлигини оширишда умумий ўрта таълим ва ўрта-махсус, касб-хунарга таълими муассасаларининг ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш жуда катта роль ўйнайди.

Мактаб ҳамда мактабга яқин жойлашган касб-хунарга коллежи ёки академик лицейлар ўзларининг ҳамкорлик шартномалари асосида ўқув семинарлар, йиғилишлар, амалий машғулотлар, «Очиқ эшиклар куни», «Касблар фестивали» каби тадбирларни ташкил этади. Ўқувчилар билан касб-хунарга коллежлари ҳамда академик лицейларга саёҳат уюштирилади.

Мактаб ва коллеждаги касб-хунарга йўналтириш хоналари Низом асосида ташкил этилиши лозим. Мактабдаги касб-хунарга йўналтириш хонасида коллежлар томонидан бурчаклар ташкил этилиб, бу ерда коллеж ҳаёти, ўқув-тарбия жараёни, коллежда яратилган шарт-шароитлар ёритилган фото-лавҳалар, таълим йўналишлари тўғрисидаги касблар ҳақида маълумотлар ўз аксини топади.

Шу билан бирга коллежларда 8-9-синф ўқувчилари, синф раҳбарлари ҳамда ота-оналар билан йиғилишлар ўтказиш, коллеж, лицейлардаги барча шароитлар билан ўқувчилар ва ота-оналарни таништириш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларни онгли равишда, тўғри касб танлашларига эришмоғимиз учун мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратмоғимиз керак. Йил давомида 9-синф ўқувчилари билан ўтказиладиган касбий ташхис методикалари натижалари билан ота-оналарни таништириб бориш мақсадида ҳар чоракда ўтказиладиган ота-оналар йиғилишларига ўқувчиларни касб-хунарга

йўналтириш масаласи алоҳида масала қилиб киритилиши лозим.

Ота-оналар ўртасида сўровномалар ўтказиш, ота-она ва касб эгаси сифатида уларни тадбирларга таклиф этиш, фарзандининг қизиқиши, қобилияти, лаёқати ва мойиллигидан хабардор қилиш ўқувчининг ўзи ёқтирган касб эгаси бўлишига ёрдам беради.

9-синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги турини тўғри танлашлари учун уларга академик лицей, касб-хунарга коллежлари, у ердаги йўналишлар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ бериб бориш ҳамда, мактабнинг эълолар тахтасида, касб-хунарга йўналтириш хоналарида республика, вилоят, туманлардаги мавжуд касб-хунарга таълими муассасалари тўғрисидаги маълумотлар стенд қилиб чиқарилиши катта аҳамиятга эга.

Турли ташкилот ва корхоналарга саёҳат уюштириш, касб эгалари билан учрашувлар ўтказиш, «Мен ўз келажимни қандай тасаввур қиламан», «Ким бўлсам экан?», «Келажакдаги орзуим» мавзуларида иншолар танловини ўтказиш ўқувчининг онгли равишда касб-хунарга танлашига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини оширишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш комиссиясининг раиси сифатида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш масаласига жиддийроқ эътибор қаратиши, масъулият билан ёндашиши ва масъул шахслардан тўғри талаб қилиши.

2. Касб-хунарга йўналтириш ишларини илк мактаб ёшидан бошлаб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш.

3. “Узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури”га асосан 1-9-синфларга белгиланган соат ва белгиланган муддатларда касб-хунарга йўналтириш машғулотларини ўтказиш.

4. Касб-хунарга йўналтириш ишларида синф раҳбари, фан ўқитувчилари, ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасалари, ота-оналар, ташкилотлар - кенг жамоатчиликни жалб этиш ва ҳамкорликни кучайтириш.

5. Касб-хунарга йўналтириш мавзусига доир тадбирлар кўламини кенгайтириш.

6. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда мактаб, касб-хунарга таълими муассасалари, ота-она ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигини кучайтириш.

7. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, маҳалла қўмиталари, «Камолот» ЁИХ, «Хотин-қизлар» қўмиталари билан ҳамкорликда ишлаш.

8. Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш комиссиялари ишини жонлантириш.

9. Касб-хунарга йўналтирувчи мутахассис вазифасини мактаб буйруғи билан олий маълумотли меҳнат таълими ўқитувчисига ёки олий маълумотли, тажрибали педагогга юклаш.

10. Касб-хунарга йўналтириш хоналарининг Низом асосида жиҳозланишига алоҳида эътибор қаратиш.

11. Республикадаги ўрта махсус, касб-хунарга

таълими муассасалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўқувчилар ва ота-оналарга етказиш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

12. Умумий ўрта таълим мактабларини касб-хунарга йўналтириш ахборот технологиялари билан таъминлаш (методикалар, қўлланмалар, «Касблар олами» электрон ахборот қидирув тизими, «Плакатлар тўплами»).

13. Касб-хунар танлашнинг тегишли мотивлари

шаклланишига тарбия воситалари (адабиёт, санъат, матбуот, кино, радио, телевидение, кутубхона, клуб ва ҳ.к.) таъсири самарадорлигини ошириш.

The main purpose of career-guidance is the training of pupils of general education for independently and knowingly occupational choice and determines the training directions and methods of getting profession.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА САБЗАВОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Қ.М.ИСРОЙЛОВА – ТВДПИ, катта ўқитувчи

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини юксалтириш долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг ҳал этилиши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатини жадаллаштириш ва мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашнинг бундан кейинги имкониятларини очиб беради.

Шу билан бирга республикамиз қишлоқ хўжалиги ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирилишидангина эмас, балки қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг мунтазам равишда ошиб боришидан, ҳар бир маҳсулот бирлигига ҳисоблангандаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг пасайишидан ҳам манфаатдордир. Бу муҳим вазифани ҳал қилиш мақсадида республика чексиз-чегарасиз бўлмаган ресурсларидан катта маблағларни ажратмоқда. Шунинг учун ҳам қўшимча қўйилган ҳар бир сўм сармоядан ўринли фойдаланиш ва кўпроқ наф чиқариб олиш жуда муҳимдир. Шу мақсадда қишлоқ хўжалигидаги пировард иқтисодий самара барча ресурслардан самарали фойдаланишга, тежаб-тергаш ва авайлаб-асраш учун мунтазам кураш олиб боришга, маҳсулот таннархининг пасайиши ва меҳнат унумдорлигини оширишга интилишга боғлиқ бўлади. Қанча кўп маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса ва у қанчалик арзонга тушадиган бўлса, даромад қанчалик юқори бўлса, хўжаликлар шунчалик маблағларни кўпроқ ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва қишлоқ хўжалик ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришга ажрата олади. **Якуний натижа фақатгина қишлоқ хўжалигига эмас, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаб олувчиларга, транспорт, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ташкилотлари ходимларига ҳам боғлиқ.** Агарда ишлаб чиқаришдан

истеъмолчигача бўлган масофа оралиғида маҳсулотнинг бир қисми нобуд бўлса ёки унинг сифати ёмонлашадиган бўлса, бу маблағнинг бир қисми пировард самарани бермаган ҳолда исроф бўлганлигини англатади ёки аксинча, оралиқ ва пировард натижалар ўртасида пишиқ-пухта алоқадорлик мавжуд бўлса, бу йўл оралиғидаги нобудгарчилик жуда паст даражада бўлса, ресурслар ўзгармаган тақдирда ҳам ишлаб чиқаришдан эришилган самара юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш осон иш эмас. Бу биргина турли меҳнат, ер, моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланганлик билан боғлиқ мураккаблик бўлмай, турли табиий омилларга - иссиққа ва совуққа, ёғингарчиликка, қуёшли кунларга ва шу кабиларга ҳам боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалигида фақатгина жонли меҳнат эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларининг буюмлашган, ўтмишдаги меҳнатидан, атроф табиатдан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам кўрсаткичлар тизимигина бир бутун таҳлилни ўтказиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ишончли хулосаларни чиқариш имконини беради. Кўрсаткичлар тизими ёрдамида асосий ва ёрдамчи (хусусий ва ўзига хос) мезонларни аниқлаштириб олиш, иқтисодий жараёнларга умумлаштирилган миқдор тавсифини бериш мумкин бўлади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, турли тармоқлар ва мақсадлар учун турли, бироқ, асосий мезон билан бир тан бир жон бўлиб боғлиқ бўлган, унга зид бўлмаган, эришилган самара билан ҳаражатларни таққослашга имкон берадиган турли кўрсаткичлардан фойдаланмоқ даркор. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун ҳам натурал, ҳам қиймати баҳоланадиган кўрсаткичлардан фойдаланадилар. Бироқ қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорва

хайвонларининг маҳсулдорлиги каби натурал кўрсаткичлар эришилган самаранинг атиги бир тарафини акс эттиради, холос. Иқтисодий самарани аниқлаб билмоқ учун бундай ҳосилдорликка ва маҳсулдорликка эришиш имконини берган жами меҳнат ҳажмини ҳам билмоқ даркор. Аини бир кўрсаткичдаги ҳосилдорликка ҳаражатлар даражаси турлича бўлганда ҳам эришиш мумкин бўлгани каби, бир хилда харажат қилингани билан турлича маҳсулдорликка эришиш мумкинлиги ҳам маълум.

Сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ҳам натурал ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида олиб борилади. Натурал кўрсаткичлар бутун сабзавот маҳсулотлари ва уларнинг алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш даражасини тавсифлайди. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- сабзавотчилик ишлаб чиқаришининг бутун ва алоҳида маҳсулот турлари бўйича ҳосилдорлиги, ц/га;

- тармоқда банд ўртача йиллик ишчига нисбатан ҳисоблаганда натурал кўринишда сабзавотчилик ялпи маҳсулотини чиқариш, ц/киши.

Қиймати кўрсаткичлари фақатгина ҳисобкитобларни ташкил қилиш учун эмас, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки уларнинг ёрдамида товар-пул муносабатлари билвоситалаштирилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимидаги муҳимроқ муносабатларга қуйидагича ёндошиш мумкин:

Сабзавотчилик ялпи маҳсулотнинг уни олиш учун қилинган жонли ва буюмлаштирилган харажатларга $C = \frac{ЯМ}{Их+Жас}$ нисбати:

бунда: С-сабзавот ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.

ЯМ – Сабзавотчилик ялпи маҳсулоти;

I_x – жорий ишлаб чиқариш харажатлари;

J_{ac} – асосий жамғармалар.

Сабзавотчилик ялпи маҳсулот асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижасидир. У сабзавот ишлаб чиқариши олдига қўйилган асосий масала қандай ҳал этилаётганлигини кўрсатади. Махражда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари, шунингдек улар билан чамбарчас бўлган асосий жамғармалар (ёки бир вақтнинг ўзидаги сармоя қўйишлар) ягона мутаносиблик коэффициенти орқали келтирилади.

Сабзавот ишлаб чиқаришининг самарадорлигини аниқлашда, унинг қисқа вақт (бир йил) оралиғида амалдаги даромадлигини аниқлашда ялпи маҳсулот амалда сотилган нархлари улар сотилган каналларининг турлари, маҳсулот сифати инобатга олинган ҳолда баҳоланади (ялпи маҳсулотнинг нотовар қисми

унинг ишлаб чиқарилиши таннархи бўйича аниқланади). Сабзавот ишлаб чиқаришининг узоқ вақт оралиғидаги иқтисодий самарадорлигидаги ўзгаришларни кузатмоқ учун ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларни таққосланган нархларда баҳоламоқ мақсадга мувофиқдир. Масалан, Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 1997 йилнинг 1 январиди 42,3 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 41,4 млрд сўм бўлган ёки ишлаб чиқариш 937,1 млрд сўмга ёки 2,5 фоизга ўсган.

Аини шу йўл билан асосий турдаги сабзавот маҳсулотларининг республика, вилоят, туман ёки хўжалик бўйича ишлаб чиқарилганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аҳоли жон бошига қанча килограммдан тўғри келиши ҳисоблаб чиқилади. Бу кўрсаткичларга қараб мамлакат аҳолисини озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш имкониятлари тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолчиларга нобуд бўлмай етказиб берилиши ҳам муҳимдир.

Ички ва ташқи самараларни таҳлил қилиш мобайнида сабзавотчилик ишлаб чиқариши самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодланади, деган хулосага келиш мумкин:

1) ишлаб чиқариш таннархи (бошқа шарт-шароитлар тенг бўлгани ҳолда таннарх қанчалик паст бўладиган бўлса, ишлаб чиқариш шунчалик самаралироқ бўлади);

2) ялпи даромад - янгидан яратилган қиймат. Ялпи даромадга меҳнатга ҳақ тўлаш ва соф даромад кирганлиги учун, барча шарт-шароитлар тенг бўлган тақдирда унинг ўсиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳам, ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам ўсишини кўрсатади;

3) соф даромад - ялпи даромаднинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини чегириб ташланганидан кейин қоладиган қисми ёки ялпи даромаднинг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланганидан кейин, яъни таннарх чиқариб ташланганидан кейин қоладиган қисми;

4) ишлаб чиқарилган (пировард ёки ялпи) маҳсулотнинг жами қўйилган сармоялар (ҳаражатлар) суммасига тенг ҳисобланган қиймати.

Бироқ ушбу кўрсаткичлар қиймати бирдек эмас. Ишлаб чиқариш таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳеч нарсани аниқламайди ва сабзавотчиликнинг даромадли эканлигини акс эттирмайди, чунки у биргина ишлаб чиқариш харажатларининг ҳаракатига эмас, балки маҳсулотларининг қандай нархларда реализация қилинганига (ўтказилганига) боғлиқ бўлади. Бунинг устига таннарх кези келганда сотиб олинган ишлаб чиқариш воситаларининг қимматлашиши таъсири остида ўзгаради, буни сабзавотчиликнинг ўзидаги ўзгариш деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди, меҳнатга тўланадиган

амалдаги иш ҳақининг ўзгарганлиги билан ҳам боғлиқ бўлмайди. Ялпи даромад ишлаб чиқариш ҳажмини ва соф даромаднинг оз-кўплигини тўлиқ акс эттирмайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми турлича бўлганда ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва соф даромад нисбати турлича бўлганда ҳам айтиб бериш мумкин бўлади (ҳамма гап ундаги моддий ҳаражатларнинг салмоғига боғлиқ бўлади).

Соф даромад оз ёки кўплигидан қатъий назар маълум бир эришилган натижани, зарарсиз ишлашни, рентабелли ишланаётганлигини кўрсатиб туради. Соф даромад суммасининг ўзгариши кўпинча сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгарганлиги билан боғлиқ бўлади. Соф даромад кўрсаткичини бирмунча таққосласа бўладиган қилиб олмоқ учун уни амалдаги иш ҳақи тўлашни тенглаштириш йўли билан тузатиб олиш мақсадга мувофиқ.

ФАРЗАНДЛАРНИ ҚАСБ-ХУНАРГА ТЎЎТЎ ЎЎНАЛТИРИШ ОТА-ОНАНИНГ АСОСИЙ БУРЧИДИР

К.АЗИЗОВ – Хоразм ВПКҚТМОИ амалий фанлар таълими кафедраси мудири
Ж.РАХИМОВ – Хоразм ВПКҚТМОИ табиий ва аниқ фанлар таълими кафедраси профессори
Н.ЭРГАШЕВА - Хоразм ВПКҚТМОИ методисти

Тарихий манбалардаги маълумотларда ҳам, ҳукуматимиз олиб бораётган бугунги сиёсат негизида ҳам фарзандларимизга таълим-тарбия бериш, уларни касб-корли қилиш масаласи ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг долзарб муаммосидир.

Модомики шундай экан, бола ўсиб, улғайиб бориш жараёнида буни бирор касб-хунарга йўналтиришда бош-қош бўлиш, маслаҳатлар бериш, танланган касб-хунарни эгаллаши учун зарур имкониятларни яратиб бериш фақат мактаб педагогик жамоасининг вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ота-онанинг ҳам асосий бурчидир. Зеро, муайян оиланинг келажақда бахтли-содатли, обрў-эътиборли, иқтисодий фаровон бўлиши, ота-онанинг ўз фарзанди тарбиясига бефарқ бўлмасдан, уларнинг умумтаълим олиши билан бир қаторда бирорта касб-хунарга эгаси бўлиши учун жиддий шуғулланиши ва тегишли шароит яратишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ноқобил фарзандлар улғайган оилалар моддий ва маънавий қашшоқ бўлиб қолганини, ота-оналарнинг эса ғам ғуссадан бошини кўтара олмай, минг бор пушаймон бўлганликларини кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз ва аксинча, ўзлари қийналиб, фарзандларининг тарбиясига эътиборли бўлиб, фаровон турмуш кечираётган оилаларни ҳаётда кўп учратганмиз.

Халқ мақолларида айтилганидек, чиндан ҳам «Меҳнат роҳатнинг пойдеворидир». Ҳар бир инсон бир ёки бир неча касб-хунарни эгаллаши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Дарвоқе, «Бир йигитга қирқ хунарга ҳам оз» деган мақолни мазмун-моҳиятида ҳам, бир неча касбни эгаллаш ҳаётининг эҳтиёж эканлигига ишора этилади. Албатта, ҳар бир касб-хунарни ўзига хос машаққати ва роҳати бор. Чиндан ҳам ёшлиқда пухта эгалланган касб-хунарни инсонни умрининг охиригача фаровон турмуш кечириши гаровидир. «Хунарли эр ҳор бўлмас», «Хунарманднинг нони бутун», «Хунарли йигит мевали дарахт» каби мақолларда ҳам ризқ-

насибанинг бутунлиги касб-хунарга орқасидан бўлиши таъкидланади. Хунарга шундай ноёб бойликдирки, уни на ўғирлаш, на оловда ёндириш, яъни йўқ қилиш мумкин эмас. Фикримизча фарзандлар касб-хунарни пухта эгаллашлари учун устоз-шогирд анъаналарига риоя этмоқлари зарур. Оилада эса фарзанднинг у ёки бу хунарни эгаллашида биринчи ибрат, устоз ота-онадир. Албатта, ота-она касбини танлаган фарзанд кенг имкониятларга эга бўлади. Чунки, ота-она фарзандига касб-хунарга ўргатишида бутун меҳрини, бой тажрибасини, танланган касбнинг сир-асрорларини тўлиқ беришга ҳаракат қилади. Истардикки, ҳар бир хунарманд уста ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги хикматида таъкидланганидек; ўз хунарини шогирдидан қизганмасин.

«Хунарни асрабон нетгумдир охир,
олиб тупроққа кетгумдир охир»

Айтиб ўтиш керакки, шогирднинг устозга нисбатан ҳурмати, эътиқоди ва садоқати унинг устозга нисбатан ҳам моҳир ва маҳоратли бўлиб етишишига сабаб бўлади.

Моҳир усталар тарбиялаб етиштиришда хунармандлар сулолаларининг умрбоқийлигини таъминлашда ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Шу билан бир қаторда ёшларни касб-хунарга йўналтиришда маҳалла, мактаб жамоасининг ҳам ўрни каттадир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир инсон бўлғуси касбини мустақил ўзи танласагина севиб танлаган касбига меҳр қўяди. Унинг заҳмати қанчалар оғир бўлсада, чарчамайди, нолимайди. Ўзи ва бошқа хунармандлар яратган маҳсулотларнинг қадрига етади. Ҳалол меҳнат эвазига топган маблағларини ўйлаб, тежамкорлик билан сарфлайди. Ҳаётда шундай ота-оналар ҳам учрайдики, улар фарзандларининг хоҳиш-иродаси, қобилиятларини ҳисобга олмасдан, ўзларига қулай бўлган касб-хунарни эгаллашга мажбур қиладилар. Натижада, ота-онанинг қистови билан ўқишга кирган фарзанд,

ўқув даргоҳини битириб чиққач, мутахассисликка эмас, шунчаки дипломга эга бўлади. Табиийки, бундай мутахассисликдан на ўзи, на жамият наф қўради.

Оилада ота-онанинг ўз касбига бўлган садоқати, бир-бирига дўстона муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги, ўз навбатида оилада фарзандларнинг касбга, ҳаётга бўлган муносабатининг тўғри шаклланишига ёрдам беради. Хусусан, маънавий бой она қизда мулойимлик, ширинсуханлик, ўзбек қизларига хос орият, ибо, ифбат каби фазилатларни шакллантириш билан бирга, уй-рўзгор юмушларини бажаришни мукамал ўргатади. Маънавий қашшоқ, енгил-елпи ҳаётга кўникиб, тубанлик ботқоғига ботиб қолган оналарнинг ачинарли қисматидан қиз фарзанди қандай ибрат олиши мумкин? Турли ёшдаги фарзандларга айниқса, балоғат ёшидаги ўғил-қизларга самимий адолатли бўлиш, кундалик турмушдаги ютуқ ва камчиликларни бирга баҳам кўриш фарзандлар олдида ота-онанинг ҳурматини оширади.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни қайси касб-хунарга лаёқатлигини аниқлашда амалиётчи психологлар билан бир қаторда мактаб ва оила шифокорларининг маслаҳати ҳам муҳим роль ўйнайди. Болалар ва ўсмирлар шифокори соғлом ўқувчиларга касб-хунар танлаш юзасидан тавсия берар экан, албатта, танланган касбнинг ўсмир ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги, балки, уни баркамол шахс бўлиб шаклланишига имкон беришини ҳисобга олиши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, соғлигида бирор нуқсон бор ўқувчини касб-хунар танлашида албатта врач билан бамаслаҳат иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бирор дарди бор ўқувчини шундай касб-хунарга йўналтириш керакки, бу касб-хунар меҳнат фаолияти

жараёнида унинг дарди ривожланиб, ногирон бўлиб қолишга олиб келмаслиги керак. Шундай экан, касб танлашда ота-она мактаб педагогика жамоаси ва шифокорнинг ҳамкорлиги зарурдир.

Фарзандини тўғри касб-хунарга йўналтириш борасидаги ота-онанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир деб ҳисоблаймиз:

ёшлигидан фарзандининг таълим-тарбия олишига бефарқ қарамасдан, унинг қизиқиш, майли ва қобилиятини кузатиб бориши;

ҳар бир ота-она фарзанди ўқиётган синф раҳбари, мактаб амалиётчи психолога, ёшлар етакчиси, шифокори билан яқин алоқада бўлиб фарзандини қайси фанларга қизиқиши, қайси фан ва спорт тўғрақларига қатнашаётганини билиб бориши;

ота-она ўз касблари ҳақида фарзандига тўлиқ маълумотлар бериб бориши, унда қизиқиш уйғотиши ва бошқа касблар ҳақида маълумотлар бериб бориши;

фарзандининг соғлиғини маҳалла ва мактаб шифокори кўригидан ўтказиб, қизиққан касбига мос келиш - келмаслигига эътибор бериши;

фақат фарзандининг қизиқишига қараб касб-хунар коллежини танлаш ва унда ўқишга имконият яратиши.

Шундай қилиб, фарзандларни уларнинг қизиқиши, қобилияти, иқтидори ва қизиққан касбига соғлиги тўғри келишини, яшаётган манзилида танланган касбига талабнинг мавжудлигини, хунармандлар сулоласи аънаналарига содиқлигини эътиборга олиб касб-хунарга йўналтириш, мустақил республикамиз барқарор ривожланишининг муҳим омилidir.

One of the main reasons of our country development is the accuracy of children's occupational choice, draw attention to their interests, abilities, health and place of residence.

ШАХСНИ ЎРТАНИШ ТЕСТЛАРИ ВА УЛАРГА ҚЎЙИЛАДИغان ПСИХОДИАГНОСТИК ПАЛАЛЛАР

А.И.РАСУЛОВ - Ўзбекистон Миллий университети, п.ф.н.

Психологияда шахсни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ўзига хос ўринга эга. Шу боис шахс тўғрисида ҳам илмий, ҳам ҳаётий кузатишлар асосида ёндашиш мумкин. Шахсни ўрганишга бундай ёндашиш бир-бирини мазмунан тўлдирди. Халқнинг узоқ тарихий тажрибаси инсонни баҳолашда ва унинг сифатларини тавсифлашда (имплицид) етарлича маълумотлар бера олади. Масалан, сарғиш ёки қизил юзли кишиларга нисбатан жаҳли тез, ноҳақликка чидай олмайдиган, ўз шахсияти учун курашувчан тарздаги ифодалашни кўп кузатамиз. Аммо шахснинг тарихий тараққиётининг кейинги босқичларида имплицид баҳолаш уни етарлича асослай олмаслигини ва тадқиқотлар учун керакли маълумотлар беролмаслигининг гувоҳи бўлинди.

Шахснинг психологик табиатини ёритишда илмий асосланмаганлик унинг кўпгина қирралари очилмай қолаётганлигидан далолат беради. Бу муаммони ечиш учун эса ишончли илмий тадқиқот воситалари керак. Муаммони ечиш борасидаги уринишлари узоқ тарихий даврга эга. Психодиагностика тарихидан шу нарса маълум бўлдики, инсонни ўрганиш тарихийлик характерга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада бир қатор америкалик психологларнинг изланишлари одамни дастлабки синаш ва текшириш бир неча тарихий асосга эга эканлигини тасдиқлади (J.Peterson (1926) ва F.L.Goodenough (1949). Тўпланган маълумотларнинг қизиқ томони шундаки фақат психодиагностик, балки педагогик диагностик инструментарий ҳам анча йиллик тажрибага эга экан. Масалан, M.L.Bowman (1989) Хитой империясида

фуқаролик хизматига қабул қилиш имтиҳонлари тизими 2000 йил аввал ишлаб чиқилганлиги аниқланди. Қадимги юнонларда ҳам синов (testing) ўқув жараёнининг яхлит бир бўлаги ҳисобланиб, ўқувчиларнинг жисмоний ҳамда ақлий имкониятларини баҳолашга ёрдам берган (Doyle K.O., 1974). Биз ҳозирги замон психодиагностика-сининг асосини XIX аср билан асослашга ҳаракат қиламиз. Чунки бу даврга келиб психодиагностик тадқиқот воситалари илмий характерга эга бўлаётган эди.

Бугунги кун амалиётида психодиагностика билан психологик тестлаштириш тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Аммо ушбу икки тушунча синонимик характерга эгадир. Уларни бир хил эквивалент тарзда қабул қилиш ножоиз ва психодиагностика тестлаштиришга қараганда анча кенгроқ мазмунга эга. Масалан, психологик тестлаштириш жараёнида психофизиологик ёки эксперт баҳолашлар эътибордан четда қолади. Иккинчи томондан психологик маълумот олишда тестлар кўпроқ «Q-маълумотлар олиш» таркибига кириб кетганлиги боис, «L-маълумот» ва «Т-маълумот»лар эса эътибордан анча четда қолиб кетмоқда. Шундай бўлса-да хорижий психологияда психологик тестлаштириш асосий тушунча сифатида сақланиб қолмоқда.

Тест тарихида ақлий тестларни ишлаб чиқишга XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида француз врачлари Сеген (1866-1907)нинг улуши юқори. У биринчилар қатори новербал интеллект тестларини ишлаб чиққан эди. Эскирол ва Сегендан ярим аср ўтгандан сўнгра француз психологи А.Бине интеллектуал тестларни ишлаб чиқди. Шунга кўра интеллектуал тестларга асос солинди ва у бугунги кунда инсон интеллектуал салоҳиятини аниқловчи асосий воситага айланиб бўлди.

Тест соҳасининг яна бир ўзига хос йўналиши шахсни баҳолашга қаратилган. Шахсни ўрганиш тестлари инсонга яхлит баҳо беришга қаратилган. Шу сабабли ҳам шахсни ўрганиш тестларини бир неча жабҳага ажратиш мумкинки, улар мақсад ва йўналишига кўра шахснинг индивидуал фарқларини, эмоционал ҳолатларини, шахслараро муносабатини, мотивациясини, қизиқиш ва аттитюдларни ўрганишга мўлжалланган.

Шахслик тестлар тарихини Крепелиннинг томонидан эркин ассоциациялар тести ёрдамида руҳий касал болаларни психологиясини ўрганганлиги билан боғлаш ҳам мумкин.

А.Анастасининг қайд этишича бу борада Ф.Гальтон, К.Пирсон ва Дж. Кэттелнинг рейтинг шкалалари ва стандартлашган сўровномалар ишлаб чиққанлиги аҳамиятга сазовор меҳнат маҳсулидир (1, 119). Уларнинг методикалари бошқа мақсадларда фойдаланилган бўлса-да, замонавий тестларни ишлаб чиқишга асос бўлиб қолади.

Шахсни ўрганиш тестларининг бугунги ҳолатини хорижий психология вакиллари иккита анъанага кўра бирлаштирадilar (Anastasi, 1985, 1992, 1993; Digman 1990, Goldberg, 1993; Simon, 1994). Биринчи гуруҳга инсоннинг аффектив ўзаро таъсирлашувини ифодаловчи («шахслик») ва иккинчи гуруҳга,

когнитив («қобилиятлар») хусусиятларини мужассамлаштирувчи тест-сўровномалари киритилади.

Психодиагностика тажрибасида шахсни ўрганиш тестларининг хилма хиллигини кузатиш мумкин. Агар шахсни ўрганувчи тестларини таснифланса қуйидагиларга ажратишга мойилмиз (бу хорижий психодиагностика тажрибасига хос).

1. Рейтинглаштириш;

2. Ўзига ўзи ҳисобот бериш сўровномаси (self-report inventory, Р.Вудвортс томонидан ишлаб чиқилган);

3. Вазиятли тестлар (situation tests). Бу тестларда кўпинча мақсад яширин сақланади;

4. Проектив методикалар (1, 4).

Методикаларнинг хилма хиллигидан қатъий назар энг асосийси уларни татбиқ этишга яроқлилиги ва олинadиган натижаларнинг ҳаққонийлигига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай фойдаланишга қулай шахсни ўрганиш тестлари билан ишлашда амалий ва назарий жиҳатдан жиддий қийинчиликларга дуч келинади. Шу сабабли ҳам тестларни ишлаб чиқиш ва уларни модификациялаш учун жиддий талаблар қўйилади. Баъзан шундай бир илмий мунозарага дуч келинадики, унга кўра тестлаштириш билан психологик тестлаштириш тушунчаси ўртасидаги фарқни ажратиш лозим бўлади.

Тестлаштириш ва психологик тестларни бир хил деб қараш хатоликка олиб келади. Психологик тестлар инсоннинг психикаси қонуниятларини ёритишга қаратилган ва шуни ўрганади. Педагогик тестлар эса бундай мажбуриятни бажара олмайди. Педагогик тестларда натижаларни ишончлилиги ва валидлилиги билан боғлиқ талаблар ва стандарт меъёрларга доимо ҳам амал қилмайди. Шахс тестларида психометрик талабларга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда тестлаштириш билан боғлиқ психологик адабиётларга мурожаат этилганда уларда муаммонинг моҳиятини ёритувчи ўзига хос талабларга дуч келинади: психометрик ўлчамларга эгалик, тест-сўровномалар ишлаб чиқиш талабларига бўйсунуш, хорижий методикаларни мослаштириш талабларига риоя этиш ва маҳаллий шароитга мос тестларни татбиқ этиш (1,2,3, 4).

Шахс психодиагностика муаммоларини таҳлил этиш, у билан боғлиқ айрим хулосаларни илгари суришни тақозо этади. Ушбу хулосалар психодиагностик, хусусан шахс тестлари ва уларни қўлланилиш тартибига боғлиқ мулоҳазаларни ўзида акс эттиради:

1. Психодиагностика ўзининг предметида эга бўлмаганлиги боис тестларни яратиш ва қўллашда шахс, хулқ-атвор моделлари, тафсилотлари, эмоцияси ва билиш жараёнлари билан боғлиқ психологиянинг бошқа соҳаларига таянади.

2. Психодиагностика тест назариялари, индивидуал фарқлар ва муҳитдаги тафовутлар тўғрисидаги назарий тасаввурлар, тараққиёт ҳақидаги қарашларни ва ташхис этиш жараёнидан иборат тўртта жабҳани ўзида мужассамлаштирган тизим ҳисобланади. Тест назарияси ёки психометриканинг асосида алоҳида ёки бир гуруҳ

топшириқларнинг натижаларини ҳисоблашга қаратилган математик-статистик моделлар ётади.

3. Тест назарияларининг мумтоз намуналарида текширувдаги хатоларни баҳоловчи моделларни, кузатиш ва методикаларни татбиқ этишдаги хатоларни очиб бериш характериға эға. Унинг камчилиги айнан ўлчаш воситаларининг етарли мукамалликка эға эмаслигида.

4. Ҳозирги замон тест назарияларида тест топшириқлари бир неча жавоблардан иборат. Ўлчанаётган хусусиятга кўра текширилувчининг жавоблари чизиқли бўлмаган функция сифатида унинг тутган ўрнидан келиб чиқиб таҳлил этилади.

Тестларнинг ҳаққонийлиги ва татбиқ этиш қулайлигини текширишни математик-статистик модель амалга оширади. Бу классик тест назарияларидан фарқли ўлароқ ўлчаш шкаллари намоён қилинмайди. У фақат эмпирик тадқиқотлардагина вужудга келади. Устунлик томони ўрганилаётган одамни бир нечта методикалар ёрдамида қиёсий таҳлил этиш имкониятига эға. Бундан ташқари уларда ўлчаш ишончилиги турли даражада бўлиши мумкин. Бу моделнинг камчилиги баъзи сўрвномалар билан қўйилган талаб ўртасида номутаносибликка дуч келиш боис амалиётда қўллаш қийин. Валидлик эса бу моделнинг бир қисми ҳисобланади.

5. Тестларнинг валидлиги деганда воситанинг кўзланган муаммони ўрганишга яроқлик қобилияти тушунилади.

6. Тестлар алоҳида топшириқлардан ташкил

топади. Ҳар бир топшириқ бўйича баллар белгиланган тартибга кўра ҳисобланади. Натижалар эса умумий баҳолар йиғиндиси саналади. Меъёрий танланма кўрсаткичлари билан олинган натижаларни таққослаш орқали ўз аҳамиятини намоён этади. Шунингдек, тест орқали олинган бошқа натижаларни ҳам шу кўрсаткич билан солиштириш лозим бўлади. Назария эса фақат муносабатлар мавжудлигини излашга эмас, балки унинг чегараларини белгилашга ҳам йўналтиради.

7. Шахслик тестларини ишлаб чиқиш аниқ психологик назариялар ва психологик атамаларга таянади, улар ёрдамида изоҳланади ва шарҳланади. Фойдаланаётган тушунчалар тизими қайта ишланган натижаларда ва ташхис натижасида кўриниши керак. Акс ҳолда улар ҳаққоний ҳисобланмайди.

Бундан кўринадики, шахсни ўрганиш тестларини амалиётда психометрик талабларга амал қилган ҳолда татбиқ этиш ижобий ва ҳаққоний натижаларни қўлга киритишга олиб келади.

Адабиётлар

1. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование –Спб: Питер, 2003.-688 с
2. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика. –Спб: Питер, 2002.-350 с.
3. Общая психодиагностика // Под.ред. А.А.Бодалева, В.В.Столина.-М.Изд.Универ., 1987.-
4. Ян тер Лак. Психодиагностика: проблемы содержания и методов. Москва-Воронеж, 1996.-351 с.

ОИЛА - ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИНГ АСОСИ

Ҳ.АБДУКАРИМОВ - ГулДУ инновация маркази раҳбари
С.ШАРАПОВА - ГулДУ инновация маркази психологи

Оилада ижтимоий ҳаётнинг барча хусусиятлари мужассам. Ватан-остонадан бошланишининг мазмун-моҳияти ҳам оилани кенг маъно касб этишидадир. Бутун мамлакат-бир оила. Қаердаки жамоа таркиб топган бўлса, ҳар қайсиси алоҳида оила. Инсоннинг шахс сифатидаги ва муайян касб эгаси сифатидаги барча хислатлари, фазилатлари оила деб аталмиш жамоада шаклланади.

Оилада эркак ва аёлнинг табиий, жисмоний ҳамда жинсий хусусиятларига кўра уларнинг ҳақ-хуқуқлари, бурчлари белгиланади. **Ота-оиланинг моддий таъминловчиси, жисмоний бажариладиган ва бошқа ҳар хил юмушларнинг ташкилотчиси ҳамда бошқарувчиси. Она эса оилада маънавий-ахлоқий муҳитни сақловчи, барқарор этувчи ва фарзандлар тарбиясининг кўргони ҳисобланади.** Шарқда оила асосан ана шу мезон асосида таркиб топган. Қуръони каримда “Эркаклар хотинлари устида раҳбардурлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-

харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида оллоҳнинг хифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифбатларини) сақловчи хотинлар яхши хотинлардир...” (“Нисо” сураси, 34-оят), деб кўрсатилган.

Оиланинг қувончи, ташвишлари, муаммоси бир бўлади. Оилавий муаммоларни ўз вақтида ечим топиши, ўзаро ғамхўрлик, меҳрибонлик, фарзандларни ота-онани тушуниб, ҳурматини бажо келтириб яшашлари ота-онанинг аҳиллигига, педагогик-психологик саводхонлигига боғлиқ. Инсон ким бўлишидан қатъий назар, муайян оиланинг аъзоси (фарзанди, отаси, онаси) бўлиб, оиланинг таъсири, масъулияти ҳамиша сезилиб туради. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганидек, ота-онанинг маданий савияси, маълумот даражаси, муайян касб ва лавозимда фаолият кўрсатиши албатта фарзандлар тарбиясида ўз аксини топади.

Илмми, китобсевар оила фарзандлари китобхон бўлишади. Мусиқа санъати, спорт ва бошқа хунарманд оилаларнинг фарзандларида ота-онанинг касбий фаолиятларига хос сифатлар кўзга ташланиб туради. Ана шундай муҳит ва тарбиявий жараён

оиланинг маънавий, маърифий ва иқтисодий шарт-шароит ҳамда турмуш тарзини белгилаб беради.

Жамиятнинг маънавий ва маданий ривожда оиланинг, оилада фарзанд тарбиясининг ўрни беқиёсдир. Президентимиз И. Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида бу масалага ойдинлик киритди. Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғоясини ўз қалбига сингдирган ҳар бир оила вакили ўзининг орзу-интилишлари йўлида бирлашишга, жамоа фаолиятини янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Чунки миллий истиқлол ғояси жамоани бирлаштирувчи, соғлом, эзгу мақсадлар сари сафарбар этувчи, оммага маънавий-руҳий куч-қувват бағишловчи манба ҳисобланади. Болани шахс сифатида шаклланиши, орзу-умидлари қанот ёзиб келажакка интилишлари оила муҳитида қарор топади.

Оиладаги хайрихоҳлик, ўзаро муносабат атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Олиб бораётган тадқиқий кузатувларимизда ота-она обрўсининг кўтарилиши ёки пасайишида фарзандларнинг алоҳида ўрни борлигига эътибор қаратдик. Айниқса раҳбарлик лавозимида фаолият юритаётган оилаларда бу жараён ўзига хос характерга эга эканлиги маълум бўлди. Биз кузатаётган раҳбар ходимларнинг 37 фоизи оилада фарзанд тарбиясига алоҳида вақт ажратиб, ота-оналик масъулияти билан қараётганлиги ҳамда ота-онанинг фарзандларига муносабати педагогик-психологик талаблар даражасида эканлиги аниқланди. **Айниқса фарзанд: ота-она буюрган уй юмушларини ўз вақтида бажариб бориши, ўқишга ёки ишга кетиш олдида ота-онанинг рухсат ёки фотиҳа олиб чиқиб кетишлари, имкон қадар ота-онанинг кўнгилга қараб одоб билан муомала қилишлари, ота-она сўраган пайтда “лаббай” деб жавоб беришлари оила шароитида фарзандни ота-она олдидаги бурчини тўери адо этаётганлигини кўрсатади.**

Раҳбар ота-оналардан 52 фоизи бола тарбияси учун жуда кам вақт ажратаётганликларини билдиришди. 11 фоиз раҳбар ота-оналардан, айниқса оталар бола тарбияси учун деярли вақт ажрата олмасликларини билдиришди. Оиладаги моддий таъминотнинг етарли эканлиги, болани қийинчилик кўрмай муаммосиз яшаб келаётганлиги бундай ота-оналар учун тарбия омили сифатида қаралган. Жумладан раҳбар ота-оналардан 60 фоизга яқини яхши ўқийдиган бола тарбияли бўлади, жузий камчиликларини ўзи тушуниб, тўғрилаб олади деган фикр билдиришган. Раҳбар ота-оналардан 28 фоизи болаларига буйруқ оҳангида муомала қилишиб, айтган ишларини кўнгилдагидек бажаришмаса дўқ-пўписа ва асабий ҳолда муомала қилишлари маълум бўлди. Бундай оилаларда ўзаро тушунмовчилик ва совуқ муносабатларнинг шаклланиши аниқланди. Шунга ўхшаш айрим раҳбар ота-оналарнинг ўз фарзандларига меъёридан ортиқ қаттиққўллик қилиши, ортиқча меҳнат талаб қилинадиган, зўриқишга олиб келинадиган ишларни буюришлари, ота-онани болани руҳий ҳолати, ёш хусусиятларини билмасликларидан келиб чиқади. Оқибатда фарзанд меҳнатсевар бўлиш ўрнига меҳнатдан безиб қолади.

Айниқса ўғил болалар отага тақлид қилишади. Оталар ибрат-намуна сифатида ҳар куни, лозим бўлса ҳар дақиқада тарбия амалларига риоя этган ҳолда, тарбия ишига масъулият билан қарашлари, қандай лавозимда фаолият юритишларидан қатъий назар алоҳида вақт ажрата олишлари лозим. Тадқиқот ишимизда биз раҳбар шахс оиласидаги тарбия жараёнини учга бўлиб ўрганиб келмоқдамиз.

1. Ёш оиладан чиққан ёш (25-35 ёшгача) раҳбар ходим оиласидаги тарбия

2. Ўртача ёшли оиладаги (35-45 ёшгача) раҳбар шахс олиб бораётган тарбия.

3. Кекса ёшли оиладаги (45-55 ёшгача) раҳбар ходим тарбияси.

Бундан ташқари кам ва кўп болали оила шароити ҳам, тўлиқ ўғил ёки тўлиқ қиз тарбияланаётган оила ёки ўғил ва қиз нисбати мос келадиган ҳамда келмайдиган раҳбар ходимлар оиласидаги тарбия муҳити ўрганилиб борилмоқда.

Албатта соф оила тарбияси билан чекланишнинг ўзи мақсадга мувофиқ келмайди. Бу жараёнда оиланинг фаолияти мактаб ва маҳалла билан қай даражада уйғунлаша олганлиги масаласи ҳам алоҳида ижтимоий аҳамият касб этади ҳамда тадқиқот ишини самарали бўлишида ўз ўрнига эга.

Болани мактабдаги ўқиши, интизоми, жамоат ишларида қатнашувчи, спорт-соғломлаштириши ҳамда тўғарак ишларидаги фаоллиги унинг ижтимоийлашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. “Оила-мактаб-маҳалла” ҳамкорлиги хусусида кўплаб гапирилади. Аммо бу ҳамкорликнинг илмий асосда ташкил қилинганлиги хусусидаги тажрибалар назарий ва амалий жиҳатдан ҳанузгача оммалаштирилмаган. Жумладан ушбу тузилма яхлит тизим ҳолда тадқиқот предмети кўринишида илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Айниқса, узлуксиз таълим тизимида ота-оналарнинг педагогик-психологик билимдонлиги тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бу борада Юртбошимиз И.Каримовнинг “Баркамол фарзанд соғлом оилавий муҳитда вояга етади. Бунга эришиш учун, биринчи навбатда, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, авваламбор, ота-оналарнинг онгини, уларнинг фарзандларига бўлган муносабатини ўзгартиришимиз, лозим бўлса, ота-оналарнинг ўзини тарбиялашимиз керак”, деган теран фикрлари педагог ва психолог олимлар олдида алоҳида масъулият юклайди.

Биз тадқиқот ишимизда ёш ота-оналарнинг ва айниқса 35 ёшгача бўлган раҳбар ота-оналарнинг оилада бола тарбиясига бўлган эътиборига алоҳида қарадик. Бу ёш давридаги ота-оналар бола тарбияси бўйича жуда тажрибасиз эканлиги кўзга ташланди. Айниқса:

- болани ёш, жинс хусусиятига кўра тарбиялашда;

- боладаги лаёқат асосида шаклланиб келаётган қобилият куртакларини аниқлай олишда;

- болани индивидуал хусусиятидан келиб чиққан ҳолда муомала қилишда;

- болани мактабгача таълимга тайёрлашда;

- болани мактаб таълимга тайёрлаш каби ижтимоий зарур хусусиятларни фарқлаш ва

шакллантиришда ёш ота-оналарни муайян қийинчиликка дуч келаётганликлари аниқланади. Бу айниқса ота-оналарнинг педагогик, психологик ва тиббий-гигиеник билимларини оила педагогикаси талаби даражасида билмасликларида маълум бўлди.

Маълумки, болада эҳтиёж билан боғлиқ бўлган дастлабки ҳаётий тажрибалар мавжуд бўлади. Булар овқатланиш, кийиниш, ювиниш, ўзининг кўғирчоқ ва ўйинчоқларига қараш, ота-онаси ҳамда ўзидан катта ва кичиклар билан сўзлашиш каби ва ҳоказо. Аммо зарурий ҳаётий тажрибалар шаклланмаган бўлади. Булар: бирон ишни тўғри режалаштириш, вақт меъёридан унумли фойдаланган ҳолда кафолатли натижага эришиш, содир бўлиши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларни олдиндан башорат қилиш, мулоқотга киришиш ва ҳоказо. Чунки бола кўп нарсани ақли билан тўла англаб ета олмайди. Аммо қалби хис этади, шунга кўра боладаги туйғу тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарур. **Бола меҳр, эътибор, асосида ўзидаги ҳис-туйғуни тарбиялаб боради. Бу борада оилада нуфузли шахсларнинг таъсири ва тажрибасидан фойдаланиш лозим. Чунки бола ҳар доим ўзига идеал, ибрат рамзида бўла оладиган инсонни қидиради. Оилада ота-она ҳар доим бола учун ибрат-намуна бўла оладиган шахслар бўлиши лозим.**

Ота-онанинг бир-бирига баланд овоздаги бақир-чақирлари, оғизларидан паст-баланд ҳақоратли сўзларнинг чиқиши, болани қарғаб унга паст назар билан қараш, оталарнинг ичиб, чекиб афтодаҳол кўринишда юриши, юриш-туриш ва кийиниш ҳамда муомала маданиятига эътибор бермаслиги, оиладаги етишмовчиликлар, болани ўз вақтида овқатланиб, ухлаб туришига эътибор берилмаслиги ва бир қатор ёмон иллатларни динамик стертиотип шаклига кириб қолганлиги, болани биринчи навбатда асабий бўлиб қолишига ва шу асосида соғлиғига путур

етишига олиб келади. Бундай болалар жаззаки, тез таъсирланадиган, ишەқмас ва энг ёмон оқибатсиз бўлиб шаклланади. Бола тез аразлайдиган, йиғалайдиган, гап қайтарадиган ва қайсар бўлиб ўсади.

Оилада болани ёт ва жинс хусусиятига кўра китобга яқинлаштириш, спортнинг бирон тури билан шуғулланишига жалб этиш болада нафосатни тарбиялайди. Ижтимоий фойдали меҳнат, айниқса ўз-ўзига хизмат қилиш меҳнатини бу жараён билан уйғунлашуви боладаги мустақилликни, тежамкорликни ва ҳар бир нарсага дид ҳамда эътибор билан қарашни тарбиялайди. Оилада бола кўп нарсани тушунмайди, ақли етмайди деб қарамаслик лозим. **Инсон онгининг 80 фоизи беш ёшга қадар шаклланиб бўлишлигини руҳшунос олимлар исботлаб беришган.** Юқорида таъкидланганидек, ақл-фаросат ва идрок бобида болалар катталардан қолишмайди. Фақат уларда ҳаёт тажрибаси ва билим етишмаслиги мумкин. Катталарнинг ўзаро мулоқотида, “болага ўхшама” ибораси туб моҳиятига кўра тўғри эмаслигини ҳамма ота-оналар тушуниб етмаслиги мумкин. **Болага бола кўзи билан қараш, унинг қалбига йўл топиш, фикр ва муаммоларини эшитиш, унинг эҳтиёжини ўз вақтида тўғри ва адолатли ҳал этиш, болани катталарга яқинлаштиради.** Ўзаро дўстона муносабатларни қарор топтиради. Бу ўринда буюк педагоглардан бири болани беш ёшига қадар берилладиган тўғри тарбия, келгусидаги тарбиявий жараённинг тўқсон фоизини ташкил этади деган фикрини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Адабиёт

1. И.Каримов. Соғлом авлод-бизнинг келажагимиз. “Абу Али ибн Сино”, 2000, 55-б.

The education given a child until his school ages is representing 90 percents of his future education.

КАР БОЛАЛАР ЎЙИН ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСИ

Н.ҚОСИМОВА - ТДПУ «Дефектология» факультетининг 3-босқич талабаси

Мактабгача тарбия таълим тизимининг энг муҳим соҳаси бўлиб, баркамол авлод асосан ўйинлар асосида шаклланади. Шунга кўра мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда боланинг қизиқиши ҳам таълимнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб ҳисобланади. Мактабгача тарбия соҳасида болаларнинг руҳий ва жисмоний камолоти борасида энг самарали давр саналган боғча ёшидаги болаларда ўйинларга ўргатиш жараёнида баркамол авлодни тарбиялаш муҳим вазифалардан бири саналади. Инсон ривожланишининг турли босқичида ҳар хил фаолиятларга тўқнаш келади. Инсон

ривожланишининг дастлабки босқичи ўйин фаолияти билан боғлиқ бўлиб, мазкур фаолият асосида инсон руҳий ва жисмоний ривожланишининг дастлабки элементлари шакллана бошлайди. Ўйин фақат билиш жараёнларини такомиллаштириб қолмай, балки инсон хулқ-атворининг шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Энг содда психик жараёндан энг мураккаб психик жараёнгача барчасининг энг муҳим жиҳатларини шакллантиришда ўйинлар беқиёс аҳамиятга эга. Боланинг жисмоний ривожланишида ўйиннинг таъсири ҳақида гап борганда, аввало, шуни айтиш керакки, биринчидан, ўйинни ташкил қилишнинг ўзиёқ боланинг ҳаракатини ўстириш ва такомиллаштириш

учун энг қулай шарт-шароитлар яратади. Иккинчидан, бола ҳаракатнинг мураккаб кўникмаларини ўйин асосида ўзлаштиради. Бу эса унинг жисмоний фаоллигига таъсир кўрсатиб, боланинг жисмонан соғлом ўсишига имкон яратади.

Мазкур фикрларга мен таълимнинг дастлабки босқичларида умумий ва махсус адабиётларни ўрганиш асосида келган бўлсам, ўқишнинг кейинги даврларида, яъни педагогик амалиёт даврида бу фикрларни амалий жихатдан таҳлил қилишга муваффақ бўлдим.

Биз кар болалар педагогикаси ва психологияси фанларидан олган назарий билимларни кар болалар учун мўлжалланган 101-мактаб-интернатида амалий жихатдан мустақамлаш жараёнида кар болаларнинг ўйин фаолияти ва ўзига хос хусусиятларини кузатиш асосида ўргандик. Биз бу болаларнинг дарс жараёнидаги ва дарсдан ташқаридаги ўйин фаолиятини кузатдик. Бироқ кузатишнинг ўзи билимларни мустақамлаш учун етарли эмас. Шунинг учун биз махсус мактаб тарбиячилари билан суҳбат олиб бордик. Бу болаларнинг ўйин фаолиятини таҳлил қилиш асосида олиб борилган суҳбат жараёнида 101-мактаб-интернати тарбиячилари қуйидаги фикрларни билдирдилар:

Барча болалар каби кар болаларда ҳам илк мактабгача ёшида ўйинчоқларга қизиқиш кучли бўлади. Бир оз вақт ўтиши билан болаларнинг ўйинга бўлган қизиқишида бир оз ўзгаришлар юзага келади. Бу ўзгаришлар кар болаларнинг ўйин ва ўйинчоқларга бўлган муносабатининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Кўпчилик кар болаларнинг ота-оналари фарзандларининг ўйинчоқдан тез кўнгли қолишини, уларни янгилаб туришга, аксарият ота-оналар болаларининг янги ўйинчоқларгагина қизиқишини, айрим ота-оналар эса фарзандларининг ўйинчоқлардан кўра кўпроқ рўзғорда ишлатиладиган буюмлар - турли қопқоқлар, тақсимчалар, челақча ва бошқаларга қизиқишини айтадилар. Бунинг сабаби, биринчидан, рўзғор буюмларининг жаранглироқ овоз чиқаришда бўлса, иккинчидан, бу буюмлар бола муҳитига яқинлигида ва улар билан нарсаларга хос бўлган бир хилдаги хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигидадир.

Ўйин фаолияти жараёнида болалар турли хилдаги предметли ҳаракатларни бажаришларини кузатдик, яъни, турли хилдаги предмет ёки жонли образларни ифодаловчи ўйинчоқлар билан ўйнаш жараёнида улар мазкур ўйинчоқларга мос ҳаракатларни бажариб бердилар. Масалан: машиначалар билан ўйнаш асосида болалар машинани юргизиш учун эмаклаб юрдилар, қўғирчоқлар билан ўйнаш орқали уни кийинтириш, ухлатиш, овқатлантириш каби вазифаларни бажарадилар.

Кўп маротаба такрорланадиган мазкур ҳаракатларни бажариш жараёнида болаларда турли хилдаги предметлар яъни, транспорт воситалари, уй ва ошхона жиҳозлари ҳақида тасаввурлар шаклланиб боради. Бу эса улар луғат бойлигининг ўсиб, тафаккурининг ривожланиб боришига замин яратади. Бу болаларнинг ўйин фаолиятини кузатиш ва ўрганиш билан бирга биз тарбиячи ҳамкорлигида болалар учун нотаниш бўлган ўйин технологиясини қўлладик. Биз мазкур ўйин технологиясини бу болалар ўйин фаолиятининг улар жисмоний ривожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида амалга оширдик, ўйинимизни тарбиячи билан келишилган ҳолда "рангли доначалар" деб номладик. Болаларга тўртбурчак шаклидаги майда тешикчалардан ва ўша тешикчаларга жойлаштирилган майда рангли доначалардан иборат бўлган ўйин тақдим этилди. Болалардан рангли доначаларни тешикларга жойлатириш асосида турли хилдаги предмет ёки жонли образларни ифодалаш талаб этилди. Болалар берилган вазифани ўзгача завқ ва қизиқиш билан қабул қилдилар. Бундан ташқари ўйин болаларни ранглар хилини ажратишга, тасаввурини ривожланишига, дунёқарашини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўйиннинг бориши:

Ахмадجونнинг столи устига "рангли доначалар"ни қўямиз. Тарбиячи болага биринчи навбатда ўзи бирон бир предметни ясаб кўрсатиб беради. Машғулот давомида бола билан таниш бўлган предметларни шу доначалар ёрдамида ясаб беришини сўраймиз.

Тарбиячи: "Ахмадجون, сен бизга гулни ясаб бер".

Тарбиячи: Гул қандай рангда бўлади?

Ахмадجون: қизил, сариқ.

Тарбиячи: Барги эса қандай рангда?


Ахмадجون: яшил рангда.

Тарбиячи: сен ҳозир бизга қайси рангли гулни ясаб берасан?


Ахмадجون: қизил рангли гулни.

Бола ясашга қийналса тарбиячи ёрдам бериб туради. Ишни битириб бўлгандан кейин албатта болани рағбатлантириб туриш керак.

Биз тарбиячи билан ҳамкорликда болалар фаолиятини бошқариб назорат қилиб бордик. Олинган натижаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш



Намунада Ахмадجون ясаган гул



Бу доначаларни гуруҳдаги болалар теришган

асосида биз тарбиячи ва амалийёт раҳбаримиз билан биргаликда қуйидаги хулосага келдик.

Кар болаларда ўйин фаолиятига бўлган қизиқишни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, чунки қизиқиш болаларнинг ақлий фаоллигини оширади, ижодий қобилиятини ривожлантиради. Маълумки, ҳар бир ўйинда болалар нутқий муомалага киришадилар. Ўйинлар болалардан нутқий мулоқот, жисмоний фаоллик, ижодий қобилиятини талаб этади.

Ўйин тортинчоқ болаларни ҳам фаоллаштиришига ёрдам беради.

Ўйинлар уйда бажариладиган турли хилдаги ҳаракатлар болаларнинг жисмоний камолотига ижобий таъсир кўрсатиб, кар болалар майда қўл моторикасининг ривожланишига, бу эса ўз навбатида кар болалар нутқий моторикасининг фаоллашувига ёрдам беради.

Аксарият ҳаракатли ўйинлар болаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинларнинг барчасида уйғун, ритмик ҳаракатлар тарбияланади. Нутқининг раван, ифодали, самарали бўлишига эришилади. Тўғри танланган ўйинчоқлар болада эстетик дидни тарбиялайди. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ўйин фаолияти кар

болалар руҳий, жисмоний ва эстетик камолотида муҳим тарбияловчи восита ҳисобланар экан. Шундай экан, келинг барчамиз фарзандларимизнинг ўйин фаолиятига лоқайд бўлмай, аксинча, илк даврлардан оқ уларнинг эътиборларини керакли ўйин турларига жалб этиб, фаолиятларини тўғри ва самарали йўналтиришга ҳаракат қилайлик!

Адабиётлар

1. Ф.А.Рау. Устная речь глухих. -М., 1992 г.
2. Ф.А.Рау, Ф.Ф. Рау. Методика обучения глухонемых произношению. -М., 1990 г.
3. Т.В.Розанова. Некоторые особенности образной памяти глухонемых детей. -«Специальная школа», 1992, № 1.
4. Н.Ф.Слезина. О временном использовании сокращенной системы фонем при первоначальном обучении глухонемых детей устной речи. -М., 1990 г.

Implementation the interactive games to the process of training, in order help to generate the psychological stages from simple to difficult.

СТАНДАРТНЫЕ И НЕСТАНДАРТНЫЕ УРОКИ

Р.ДЖУРАЕВ - директор Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук им. Кары Ниязи, доктор педагогических наук, профессор



Обучение - сложный процесс, реализуемый через формы организации учебной работы (формы обучения), являющийся внешним выражением согласованной деятельности учителя и учащихся, осуществляемой в определенном порядке и режиме.

Формы обучения не остаются неизменными, подвергаясь влиянию окружающей социальной среды, функционирующей методической системы в целом и ее компонентов (особенно целей обучения) по отдельности. В школах количество форм обучения велико. Это уроки, лекции, семинары, экскурсии, конференции, различные виды внеклассной учебной работы (кружки, факультативы, олимпиады, конкурсы, вечера). Ведущей формой обучения считается урок — систематически применяемая для решения задач обучения, воспитания и развития учащихся форма организации деятельности постоянного состава учителей и учащихся в определенный отрезок времени или динамичная и вариативная форма организации процесса целенаправленного взаимодействия (деятельностей и общения) определенного состава учителей и учащихся, включающая содержание, формы, методы и средства обучения и систематически применяемая (в одинаковые отрезки времени) для решения задач образования, развития и воспитания в процессе обучения.

Несколько десятилетий назад известный педагог Ю. К. Бабанский заметил, что урок обеспечивает

планомерную учебно-познавательную деятельность группы учащихся определенного возраста, состава и уровня подготовки (класса), направленную на решение поставленных учебно-воспитательных задач. При этом учитель в течение точно установленного времени руководит коллективной познавательной и иной деятельностью постоянной группы учащихся (класса) с учетом особенностей каждого из них, используя средства и методы работы, создающие благоприятные условия для того, чтобы все ученики овладевали основами изучаемого предмета непосредственно в ходе занятия, а также для воспитания и развития познавательных способностей и духовных сил школьников. Урок позволяет сочетать работу класса в целом и отдельных групп учащихся с индивидуальной работой каждого ученика, создает благоприятные условия для воздействия учителя на учащихся. Коллективно-индивидуальное взаимодействие учителя и учащихся приводит к усвоению учащимися знаний, умений и навыков, развитию их умственных способностей, опыта деятельности, общения и отношений.

Большинство российских исследователей в области педагогики и предметных методик убеждены в эффективности данной формы обучения, которая при массовости охвата учащихся обеспечивает организационную четкость и непрерывность учебной работы, позволяет органично соединить фронтальные, групповые,

индивидуальные формы обучения. Этому в немалой степени способствует ряд особенностей урока:

- имеется постоянный состав учащихся примерно одного возраста и уровня подготовки (класс);
- каждый класс работает в соответствии со своим годовым планом (планирование обучения);
- учебный процесс осуществляется в виде отдельных взаимосвязанных, следующих одна за другой частей (уроков);
- каждый урок посвящается только одному предмету (монизм);
- уроки постоянно чередуются (расписание);
- учитель играет руководящую роль (педагогическое управление);
- применяются различные виды и формы познавательной деятельности учащихся (вариативность деятельности).

Уроки принято делить на стандартные и нестандартные. Причем последним как в литературе, так и в практике работы учителя уделяется, на наш взгляд, минимум внимания, в результате чего учитель лишается одного из мощных педагогических средств воздействия на учеников.

Опишем общие и различные признаки стандартных и нестандартных уроков, взяв за основу специфику стандартности.

